- Глобализациянинг катта имкониятлари ва фойдаларини мамлакатлар, кишилар ўртасида кенг тақсимлаш, илмий-техникавий тараққиёт натижаларининг уларни ишлаб чиқармаган мамлакатларга ҳам кириб бориши. Мисол учун, Интернетнинг чексиз имкониятларидан ҳозирги кунда бутун дунёда фойдаланиш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, минтақа давлатларининг олиб бораётган ислоҳотлари давлатнинг бу соҳаларда етакчи ролни ўйнашини талаб этади. Олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар пировард натижада инсон омилининг барқарор ривожланиши учун замин ҳозирлаб, уларнинг қонуний манфаатларни ҳимоя қилишда рағбатлантирувчи функцияни бажаради. Бу билан бир қаторда давлат бозор муносабатларига ўтишда мослашишга муҳтожлик сезган кишиларни қўллаб-қувватламоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, инсон тараққиёти қуйидаги жиҳатларга ҳам бевосита боғлиқ.

Бунда мамлакат ҳукумати ўзининг баъзи бир ваколатларини қўйи бошқарув органларига – ёки жамият ташкилотларига, фуқаролик жамияти органларига, яъни бизнинг мамлакатимиз мисолида маҳаллаларга, ўзини-ўзи бошқариш органларига беради. Инсон тараққиёти концепциясига ҳамоҳанг равишда 2003 йилнинг "Обод маҳалла" йили сифатида Ўзбекистон Республикасида нишонланганлиги ҳам ижтимоий масалага мамлакатимизда катта эътибор берилаётганлигидан далолат беради.

Мамлакатимизнинг 1991-2006 йилларидаги Инсон Тараққиёти Салоҳияти Индексларини (ИТПИ) таҳлил қилар эканмиз, қуйидагининг гувоҳи бўламиз:

Биринчидан, Ўзбекистоннинг бу соҳадаги ютуқларига, энг аввало, ислоҳотларнинг босқичма-босқич олиб борилаётганлиги, бошқа давлатлардаги каби «шок терапияси» усулига мурожаат қилинмаганлиги ва амалга оширилаётган фаол инвестицион сиёсат;

Иккинчидан, бу давлат сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлиги – ислоҳот йиллари давомида бюджет маблағларининг 40 фоиздан 50 фоизгача бўлган миқдори ижтимоий эҳтиёжларга сарфланганлиги[1];

Учинчидан, 1997 йилда қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур" билан боғлиқ таълим соҳасидаги жиддий ўзгаришлар;

Тўртинчидан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларнинг илк ижобий натижалари пайдо бўлаётганлиги;

Бешинчидан эса, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётда ўтказилаётган эркинлаштириш сиёсати келгусидаги ривожланиш ва фаровонлик учун замин яратмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон тараққиёти бўйича ўзбек моделининг шаклланаётганлигидан далолат беради. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш буйича олиб борилаётган босқичма-босқич ислоҳотлар стратегияси иқтисодий ҳаётда катта ижобий ўзгаришларга олиб келди. Бу ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда кутиладиган ўртача умр индекси 1996 йилдаги 0,737 кўрсаткичидан 2003 йилда 0,777 гача, таълим индекси бўйича эса 0,913 дан 0,917 гача ва умумий инсон тараққиёти индекси 0,717 дан 0,747 гача кўтарилди[2]. Шу

[1] *Каримов И.А.* Ўзбек халқи хеч качон, хеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. - Т.: "Ўзбекистон". 2005. 209-б.

[1] Доклад о человеческом развитии. Узбекистан - 2000. - Т.: ПРООН/ЦЭИ. 2000. С. 11.

[2] Human Development Report. Uzbekistan - 2005. - T.: UNDP/CER. 2005. P. 8.

билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ўтиш даврининг бошқа давлатларидан фарқ қилиб, иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос йўлини танлаган.

Инсон тараққиёти концепциясининг шаклланишига катта ҳисса қўшган олимлардан бири М. Ҳақнинг фикрига кўра, инсон тараққиёти масаласи давлат аралашувини ва давлатнинг бу ислоҳотларда етакчи рол ўйнашини тақозо қилади[1]. Бу бизнинг мамлакатимиз мисолида ҳам акс этган бўлиб, давлат ҳозирги кунда бош ислоҳотчи вазифасини бажармоқда. Зеро, бу бизнинг бозор иқтисодига ўтишимизда асосий тамойиллардан бири ҳисобланади.

М. Ҳақ "Тараққиётнинг асосий мақсади бу инсонларнинг имкониятларини кенгайтиришдир. Умуман олганда, бу имкониятлар чексиз бўлиб, вақт давомида ўзгариши мумкин. Тараққиётнинг мақсади бу инсонларга соғлом, узоқ ва ижодкор ҳаётни таъминлаб берадиган муҳитни яратиб беришдир"[2], деб ҳисоблайди.

Инсон тараққиёти индексининг экологик муаммоларга кўра таҳлили шуни кўрсатадики, бу омил инсон тараққиётида энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Минтақа давлатларида экологик муаммоларнинг инсон тараққиётига таъсири каттадир. Орол денгизининг қуриши билан унга туташ давлатлар ва минтақаларда ернинг, сувнинг ва атроф-муҳитнинг деградацияси кузатилиб, бу шу ердаги аҳолининг тараққиёт омилига катта зарар етказмоқда. Вужудга келган кескин экологик муҳитни юмшатиш буйича ва бу хавфларнинг инсон омилига бўлган таъсирини камайтириш бўйича минтақада халқаро ташкилотлар линиялари бўйича ҳам катта грантлар татбиқ қилинмоқда. Минтақада халқаро ЭКОСАН жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма Республикамизнинг экологик жиҳатдан танг бўлган Оролбўйи худудида ўзининг профилактик ишларини амалга оширяпти. Бу жамғарма тузган лойиҳалар асосида минтақа аҳолисига тиббий ва ижтимоий муҳофаза кўрсатилмоқда. Оролбўйидаги кескин экологик муҳитни яхшилаш бўйича БМТ нинг GEF дастури асосида ҳам халқаро ҳамкорлик ўрнатилган ва бу соҳада катта саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон шаҳарларида атроф-муҳит муаммоларини ҳал қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар борасидаги ҳисоботларга мурожаат қилсак, мамлакатимизнинг 25 шаҳрида 69 та экологик марказлар фаолият юритиб, буларнинг асосий фаолияти шаҳарлардаги экологик муҳитни назорат қилишга қаратилган[3].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Минг Йиллик Ривожланиш Дастури давлатлар олдидаги вазифалар ҳисобланиб, бу дастур янада хавфсиз ва барқарор дунёни таъминлашга қаратилган. Улар инсон тараққиёти бўйича ҳисоботлардан фарқ қилган ҳолда қашшоқлик, саводсизлик билан курашишга, таълимга ва гендер тенглигига қаратилган. Булар асосида дунёнинг турли мамлакатларини уларнинг ҳар хил кўрсаткичлари асосида солиштириш имконияти пайдо бўлади. Тараққиётнинг барча соҳаларида асосий мақсад соғлом ва узоқ умр кўришни таъминлаш бўлгани учун ҳам кишилардаги таълим даражаси, соғлом ҳаёт тарзи бунинг асоси бўлади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилинган 2005 йилда инсон манфаатлари йўлида 46 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфланган[4]. Бу ҳам инсон манфаатлари Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида асосий ўринни эгаллаганлигини кўрсатади. Шу аснода Президентимиз И.А. Каримовнинг қўйидаги фикрларини таъкидлаб ўтишимиз мумкин: «1997 йилдан буён қайси йилни олмайлик – бу Инсон манфаатлари ёки Оила йили бўладими, Аёллар ёки Соғлом авлод йили бўладими, Оналар ва болалар ёки Қарияларни қадрлаш йили бўладими – уларнинг барчаси негизида ана шундай олижаноб мақсад-муддаолар мужассам эканини кўришимиз мумкин"[1]. Шу билан бир қаторда 2003 йилни Обод маҳалла йили, 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили, 2005 йилнинг мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили сифатида ўтказилиши ҳам республикамиз фуқароларининг ҳаётини яхшилашга қаратилган бўлиб, бу борада кўп ишлар амалга оширилди. Сиёсий-ижтимоий ислоҳотларнинг давоми сифатида ўтган 2006 йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши мазкур ислоҳотларнинг изчиллик билан олиб борилаётганлигидан далолат беради. Мамлакатимизда ушбу йилларда олиб борилган иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар халқаро андозалар билан мос тушмоқда. Республикамизнинг инсон тараққиёти бўйича олиб бораётган ислоҳотлар адресли дастурлар асосида олиб борилиб аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам бериш, ОИТС, сил каби юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида давлат дастурлари тузилган.

Жаҳоннинг илғор мамлакатлари қаторига қўшилиш учун катта давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 11 майдаги PF-3751-сонли Фармонининг қабул қилиниши[2] ҳам мамлакатимизда инсон тараққиёти салоҳиятига катта эътибор берилаётганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бир қаторда мамлакатимиз бозор ислоҳотларини амалга ошириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш натижасида иқтисодий тараққиётнинг юксак суръатларига эришди. 2005 йилда ялпи ички махсулот 7%, саноат ишлаб чиқариши - 7,3%, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш - 17,7% кўпайди[3]. Бу кўрсаткичнинг ўзи ҳам мамлакатимиздаги ислоҳотлар изчиллик билан давом этаётганлигинини кўрсатмоқда.

Мустақиллик даври ислоҳотларининг узвий давоми сифатида мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, таълим ва маданий соҳаларда ислоҳотлар олиб борилмоқда. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларидан биридир.

Президентимиз И.А. Каримовнинг таъкидлашича, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижросининг ўзи қарийб 284 миллиард сўм бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағини сарфлашни талаб қилгани бир йил давомида қанчалик кенг қамровли ишларни бажарганимизнинг яққол далолати»дир.[4]

---

[1] *Хак М.* Размышление о человеческом развитии. Оксфорд: Оксфорд Юниверсити Пресс. 1995. С. 8.

[2] *Haq M.* http/hdr.undp.org/hd/default.cfm

[3] Environmental monitoring and reporting. Eastern Europe, the Caucasus and Central Asia - UN New York / Geneva, 2003. P. 7.

[4] «Ахборот» информацион дастури. Ўзбекистон Телевидениеси. 13 январ. 2006 й.

[1] *Каримов И.А.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-том. - Т.: "Ўзбекистон", 2004. 94-б.

[2] http://www.press-service.uz/uz/gsection.scm?groupId=5237&contentId=20954 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати.

[3] http://www.press-service.uz/uz/gsection.scm?groupId=5237&contentId=20842 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати.

[4] *Каримов И.А.* Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш - устувор вазифамиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган маросимдаги нутқи. // Халқ сўзи. № 240 (4139). 2006 й. 8 декабр.

Ижтимоий соҳанинг ҳозирги кунда мамлакатимиздаги асосий соҳалардан бирига айланганлиги давлатимиз сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигини ва инсон манфаатлари унинг энг муҳим вазифаси эканлигини кўрсатмоқда.

Бу борада юртбошимиз шундай дейди: «Яқинда тасдиқланган 2007 йилнинг давлат бюджетида бу йўналиш бўйича, яъни аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ажратиладиган молиявий маблағлар миқдорини анчагина ошириш кўзда тутилган. Қисқа қилиб айтганда, давлат бюджетимизнинг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 2006 йилда 51 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич келгуси йилда 54,1 фоизни ташкил этади. Кам таъминланган, ёш болали оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар учун мўлжалланган харажатлар миқдори эса 2007 йил бюджетида 7 фоизни ташкил этмоқда»[1].

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланиши мамлакатимизда инсон манфаати, ижтимоий адолат тамойиллари устуворлигининг яна бир ёрқин намунасидир. Бу ташаббус Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги машаққатли даврда ўз аҳолиси, айниқса унинг ижтимоий ночор қатламини изчил муҳофаза этиб, инсонпарвар жамият қураётганлигини амалда исботлаб келаётганлигининг инкор этиб бўлмас исботидир.

Олиб борилаётган бу ислоҳотларнинг барчаси Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя ва самарали бошқарув бўйича ўзига хос моделнинг ривожланаётганлигидан далолат беради. Демак, инсон тараққиёти ва Ўзбекистоннинг кенг халқаро муносабатларга кириши узвий боғлиқдир.

[1] Ўша жойда.

N.H. Jumaev,
Vice Principal of Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan, PhD in Economics
E.A.Hoshimov,
research analyst of BFA

CURRENCY REGULATION UNDER THE CONDITIONS OF LIBERALISATION OF THE NATIONAL ECONOMY

The consequent objective of economic reforms that have been implemented step by step in Uzbekistan is to originate principles of market relations. The improvement of currency regulation system and elimination of unfavourable impact of different consequences in this field on other sectors of economy are crucial at the stage of deepening economic reforms. To reach this goal, efficient regulation of monetary and currency relations in the economy, development of currency exchanges and over-the-counter markets, improvement of central bank's currency policy, and the analysis of issues on use of monetary policy instruments taking into account separate features of "Uzbek model" are necessary. Therefore, it is important to make researches on the regulation of currency relations in our country.

Economic and social growth degree and further development of each independent country depends on the development of the banking system, particularly, on the currency policy. To develop this field in the conditions of the market economy, it's necessary to accelerate liberalisation reforms in the currency regulation. Organizing optimal regulation mechanism of currency relations provides stable performance of banking system. At this stage of economic development, it is required to improve regulation of currency relations. Particularly, origination of efficient regulation system of currency relations in Uzbekistan and solutions of various new problems and tasks are very crucial.

Recommendations of the research can be helpful in achieving the internal and external goals of the currency policy of the Central bank of Uzbekistan. It is important to notice that conclusion and proposals covered in the article might be useful in increasing the efficiency of performance of the CBRU (Central bank of the Republic of Uzbekistan).

Foreign trade, capital flows and servicing for foreign debts serve as an objective for conducting currency transactions. The international distribution of labour is the main reason for the origins of export-import transactions. A widespread development of currency transactions gave the possibility to the Central banks for free movement in that market and their regulation at the same time.

There are several reasons, which give the possibility for conducting currency transactions of the Central bank, and the followings are the most important ones:

· Possession of a sufficient capacity of gold - currency reserves by the Central Bank.

· Existence of wide correspondent relations of the Central bank with banks of foreign countries.

· The regulations, which establish the procedure for of conducting currency transactions by the Central bank.

· Observance of trade regulations, purchase and sale of foreign currency.

Certain rules that are not set officially but always observed have been originated on the base of legislation and agreements, which act in international foreign exchange. The following may be segmented into the category of important rules used in daily practice:

1) Currency transfers on spot agreements during two working days. The party which can not fulfil within this period, of course, will be fined.

2) Announcement of quotes.

Currency transactions of the Central bank of Republic of Uzbekistan are carried out in accordance with the main directions of the monetary policy determined by the Parliament and the Government of Republic of Uzbekistan. It should be noted that a sufficient attention is paid to the goals and priorities in conducting currency trade.

The currency policy is one of the basic classical directions of monetary policy of the Central bank. World experience shows that the foreign exchange policy of the Central bank, in general, is displayed in the following forms: change of the discount rate, currency intervention, devaluation, revaluation and diversification of currency reserves.

The discount rate (the rate charged on banks' borrowed reserves) is the Central banks' original monetary policy instrument, but has been largely ignored relative to open-market operations by policymakers in the postwar era. Although the role of discount rate is often described as purely an «announcement effect,» a well-publicized signal to the markets, there is a sizable body of literature within the Central Bank that considers the discount rate of greater importance than this. Discount policy of the Central bank is the important means of acceleration of an interstate movement of capital. But it is impossible to apply the given rule to the CIS countries. Incomplete solution of a problem conversion of currencies is a serious obstacle to a free movement of capital. For this reason, the change of the discount rate in the given countries does not render direct influence on the movement of the capitals.[1]

Current purpose of currency intervention is to stop sharp fluctuations in exchange rate of national currency arising unexpectedly in a short horizon of time. Central banks have no opportunity to change a currency rate up to a desirable level, because they cannot compete with commercial banks in foreign exchange market. Therefore, the foreign exchange intervention pursues the purpose of a mitigation of consequences of sharp fluctuations in exchange rate.

Devaluation is a downturn of national currency rate on the lawful basis. This is stimulated by the following factors:

1. Necessity of export stimulation;

2. Occurrence of an appreciable difference between the official rate of national currency and its real purchasing power.

It is useful to apply devaluation policy when the country has a deteriorated balance of payments and strengthened import flows. For example, in 1949, as a result of conducting devaluation policy by 37 countries the national currencies appreciated against US dollar (from 12 percent up to 30,5 percent). It was the consequence of increasing competitiveness of corporations of Western European countries in the world market and, on the other hand, problem on reduction of influence of American monopoly on economy of the given countries.

In conclusion it is worth to say an appropriate devaluation policy should be implemented as soon as occurrence of conditions for its application. Otherwise setting of an artificial rate can put a great negative affect on the economy of the country.

Revaluation is applied for currencies with high cost. For example, it is possible to apply it for currencies of EU, Switzerland and Japan. The reasons for conducting revaluation policy are very low rate of inflation, continuous balance of payments surplus for a long period of time, and also competitiveness of national firms and companies in the world market. Revaluation in comparison with devaluation was poorly applied in global practice.

Diversification of currency reserves means the formation of reserves in several currencies. The structure of the given currency reserves is updated at the expense of stable currencies. For example, at the moment Deutsche mark (Euro from 1/1/2002), Japanese yen, Swiss franc serve as the instrument of devaluation.

In our opinion, to prevent the given problem, it is necessary, first, to develop "swap" operations of the Central bank, second, to widen loaning operations in foreign currency in order to encourage the enterprises producing commodities for export. The "swap" operations have an effective influence on the money market.

The conventional Central Banks can influence on the exchange rates by its monetary police instruments. Thus, the foreign exchange value of national currency is one of the channels through which government monetary policy affects the economy. If a conventional Central Bank raises interest rates of the country by its monetary policy instruments, for instance, in the case of the USA, the foreign exchange value of the US dollar generally will rise. The appreciation of the US dollar ,in turn, will raise the price of American goods traded on world markets and lower price of goods imported into the USA. In contrast, an increase in interest rates of a foreign country could raise worldwide demand for assets denominated in that country's currency and thereby reduce the value of the national currency in terms of that currency.

A number of factors have a bearing on the central bank's operations. These include the level and scope of exchange controls and regulation of the exchange market, the existence and depth of interbank foreign exchange market, the existence and functioning of a forward market and domestic money market. The general level of development of the banking system including logical reactions to price signals, the number and size of market participants and possible regional fragmentation of the market.

The exchange regime chosen by a country has major influence on what is the best possible and most appropriate way for central bank to operate in the market. The modus of operation of the Central Bank also depends on the central bank's and the government's overall macroeconomic policies. The fundamental choice is between a fixed exchange rate arrangement and a more flexible one. In the first case, monetary and fiscal policies must be flexibly adjusted to support the chosen exchange rate level. If, on the other hand, the authorities opt for monetary independence, the exchange rate must be allowed to adjust to a level which is consistent with the monetary and fiscal policies.

Central Bank operations in the exchange market can divide into genuine interventions and agent/commercial operations. The latter is undertaken when the central bank buys or sells foreign exchange in connection with its possible role as the banker of the Government. These transactions are typically related to the

[1] See: *Jumaev Nodir H.* Main types of the Currency policy // Market, money and credit. 1998. №5. 44-6.

Government's foreign debt and repayment of foreign loans. Sometimes these debts may be on the central bank's balance sheet, but this does not change the fact that operations following from the drawdown and repayment of these loans are commercially motivated and should not be regarded as market intervention.

The Central bank's operations as well as the choice of exchange regime may also be affected by central bank's operating environment. Countries that have extensive exchange controls that prevent or at least hamper the free flow of funds in response to adverse economic news and development may at least in the short term be able to maintain a more stable exchange rate environment. Although this usually happens at the expense of economic development and the efficient allocation of resources. The greater the freedom to act the quicker economic agents, the more efficient adjustment of their portfolios to changes in the environment and in expectations.

In fully liberalized exchange systems economic agents and financial institutions are able freely to engage in all types of transactions. The only regulation that has to be observed is the one that has been issued to prevent banks' excessive risks which could have a destabilizing effect on the financial system. In developed countries these regulations often also include constraints on banks' exposure to exchange risk in the form of limits on their open positions. While these regulations have been issued to regulate risk – taking, they also have an impact on banks' behavior in the exchange markets. This is beneficial to the development of the interbank market as well as the functioning of the economy in general. While banks can buy and sell foreign exchange within their position limits, once they have reached the limit they must turn to other banks to off – load their excess foreign exchange positions. Foreign exchange bought by banks from exporters and others is therefore automatically redistributed via the interbank market to other banks and eventually to buyers of foreign exchange.

Intervention in the exchange market by the central bank can be viewed as an attempt to alter the prevailing supply – demand situation in the market, and perhaps also to affect the psychology and expectations of market participants.[1]

Intervention is a widely used tool by the currency policy of the Central bank. The Central bank participates in the money market to influence the exchange rate of the national currency by purchase or sale of foreign exchanges. This operation is called an intervention. It is used to regulate the net flow of funds. The funds flow from the government to the private sector creates a surplus, while the flow of funds in the opposite direction creates the deficit of money.

Nowadays, the main goal of the intervention is to decrease the unexpected fluctuations in the exchange rate of the national currency in a short period of time. The Central banks are not able to change the exchange rates of the currencies at an offering level desired by them because they cannot compete with the commercial banks in money market. Proceeding from the above written we can say that the main goal of the intervention is to mitigate the result of sharp changes in the exchange rate as much as possible.

Official gold currency reserves or interbank "swap" contracts of the Central banks are the bases of the intervention.

The first intervention was realized in the 19th century. For example, the Central Banks of the Netherlands, Austria and Hungary used it to keep the exchange rate stability of the national currency. The intervention has widely spread up after elimination of gold monometallism. The Central

[1] See: Nordman T. Central Bank Intervention in the Foreign Exchange Market under Different Conditions and Exchange Arrangements. - China: Hangzhou, 1997.

banks began to realize that intervention decreases their national currencies' rates and helps their damping policy during the world crises that happened in 1929 through 1933.

Under the Bretton Woods system the interventions were realized to keep the parity of the fixed rates. In the course of intervention the US dollar served the vehicle currency, therefore the USA has set up some requirements to keep the dollar exchange rate at a definite level. After transition to Jamaican system, i.e. after transition to floating exchange rates the intervention acquired the tendency of being realized to prevent the exchange rates of the currencies from frequent fluctuations. Due to the downturn of the dollar role as a reserve currency, the DM came into equivalent use as well as currencies of some other West European countries and Japan.

Based on their implication on monetary base, there are two types of the intervention: sterilized and non-sterilized[1]. The intervention in which a central bank allows the purchase or sale of domestic currency to have an effect on the monetary base, is called an unsterilized foreign exchange intervention. A foreign exchange intervention with an offsetting open market operation that leaves the monetary base unchanged is called a sterilized foreign exchange intervention. The state usually holds the currency reserves as short-term securities (e.g.: bill of exchange/treasury bills) and bank deposits as they are profitable. Before carrying out a conversion operation, it is necessary to make some manipulations with those credit tools that can affect the monetary circulation and the interest rate level.

The intervention has a psychological implication: the more publicized are the operations of the Central bank, the more probable is the fact that subjects of the currency market will be subordinated to the pressure of the currency authorities. Central banks should intervene with the stock exchange, the reference to the currency brokers will immediately influence upon the market much stronger than it could be possible to assume taking into account the actual volumes of operations.

At present, the ultimate goal of any intervention is to keep the stable position in the currency market and to neutralize sharp fluctuations in the exchange rates. Stability of the currency market is, in turn, called to provide normal development of foreign economic relations and the whole economy. Each state sets up its own goals for currency interventions proceeding from the concrete features of the economy and degree of its «openness" for participation in the international economic relations.

In the majority of its short-term plans the central banks aspire to smooth daily fluctuations of the exchange rates, frequently being guided on only by the technical data of market conditions (for example, by the difference between rates of the buyer and the seller). The task can be put «to hold" the rate at some level, to show the participants of the market the intention of the authorities and to protect the national currency from the speculative pressure.

In the intermediate term perspective the state frequently uses the tactics of «leaning against the wind», which consists of a limited counteraction against prevailing tendency. For example, we can assume that the change of the rate is more than the limited size within an hour or day demands counteract operations. Sometimes the government with the interventions tries to win time to take an important economic decision or to finish the pre-election campaign.

Among the long-term objectives currency interventions show the aspirations of the authorities: to bring position in the currency market into accord with funda-

[1] See: *Madura J.* International Financial Management // South Western College publishing, 2003. P. 188.

mental economic parameters of the country, in particular not to allow the higher or lower rates than the appointed rate; to protect the economy from negative influences of the local currency - credit conjuncture. In some cases the state tries to support the rate of the currency within undeclared limits.

The important peculiarity of currency policy of the Central bank is the fact that with its help it is possible to influence on liquidity of credit institutes. One of the important methods of influencing their liquidity is realization of currency operations on distribution of the loans under a pledge. For realization of given type operations commercial banks are given the right for temporary use of assets of the Central bank in foreign currency. Thus, the assets remain the property of the Central bank and interest payments occur.

In our opinion, there are following ways of developing and improving currency regulation and the domestic currency market:

1. To increase the impact of currency policy of the Central bank, operations tied to external debt payment should be transferred to the CBRU.

2. Attraction of extra resources in freely exchangeable currencies by authorized banks, including through stimulating deposits of private entities in a foreign currency. To achieve this, its necessary to: (a) extend the types of services in currency sphere; (b) decrease the price of services; (c) revise percentage rates on deposits in freely exchangeable currencies paid by banks.

3. Development of correspondent relations. In our opinion, developing the correspondent relations in national currency is the basis for wide-spread use of national currency – soum in international trade. In particular, its useful for enterprises and organizations of the republic to sign contracts for export and import of goods (works, services) in the national currency with legal entities of the states, which signed agreements that stipulate the regime of free trade and the most favorable conditions.

4. Further liberalization of the domestic currency market and external trade policies. The liberalization of exchange rates by the Central Bank can have positive impact on the development of currency operations.

5. Creation of effective mechanism to attract currency funds from individuals.

6. Issuing debt obligations in foreign currency.

7. Managing and regulating currency risks effectively.

Solving relevant problems in the field of improving currency regulation, consequently, leads to formation of the real market exchange rate of national currency through decreasing the difference between exchange rate and parity of national currency and contributes to developments in export potential of the country and betterment of balance of payments. Moreover, lack of Central bank's discount policy, inappropriate taxes and customs policy do not allow reaching a new qualitative stage of currency regulation practice

А.К. Худайназаров,
УМЭД

ВЛИЯНИЕ МЕЖДУНАРОДНОЙ МИГРАЦИИ РАБОЧЕЙ СИЛЫ НА РЫНОК ТРУДА

Реализация модели поэтапных экономических реформ, предложенной Президентом Республики Узбекистан И.А. Каримовым, позволила республике перейти от административных форм хозяйствования к рыночным без социальных потрясений, восстановить дореформенный уровень развития экономики в числе первых стран СНГ уже в 1996 г. и обеспечить непрерывный экономический рост. Вместе с тем в ходе масштабных социальных и экономических преобразований возникли проблемы, которые требуют решения. Одной из актуальных проблем остаётся обеспечение занятости трудоспособного населения в условиях высокого демографического давления на рынок труда. Решение этой проблемы явится важнейшим условием повышения доходов и уровня жизни населения, поскольку уровень занятости позволит повысить совокупный спрос и обеспечит экономический рост.

Одно из направлений повышения уровня занятости населения и снижения безработицы - организация и регулирование внешней трудовой миграции.

Для прогнозирования объёмов внешней трудовой миграции используются, как правило, выборочные обследования рабочей силы. Так, Министерство труда и социальной защиты населения осуществляет мониторинг лиц, нуждающихся в трудоустройстве (выборочные обследования рабочей силы), в соответствии с методикой, утверждённой Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №42 от 31 января 2002 г. Разработка и внедрение данной методики позволили усовершенствовать статистику труда, уточнить баланс трудовых ресурсов республики, поскольку данный мониторинг позволяет определить не только численность лиц, нуждающихся в трудоустройстве, но и численность лиц, занятых в неформальном секторе экономики, в том числе и лиц, выезжающих на временные заработки за рубеж. Проблема оценки влияния международной трудовой миграции на рынок труда республики остается весьма актуальной.

Выборочные обследования рабочей силы представляют собой эмпирический подход к исследованию структуры рабочей силы. Вместе с тем целесообразно также использовать оценки международной миграции рабочей силы на базе теорий миграции рабочей силы: неоклассической экономической теории миграции, новой экономической теории миграции, теории двойственного рынка труда, теории миграционных сетей, институциональной теории миграции, теории мировых систем и т.д.

Исследованием вопросов международной трудовой миграции и её влияния на рынок труда, в том числе причин и последствий международной миграции рабочей силы, занимались такие видные учёные Запада, как Д. Массей, Дж. Тейлор, М. Пиор. Так, Д. Массей дал клас-

сификацию теорий миграции, разделив их на две группы: а) теории, описывающие внешнюю трудовую миграцию как временное явление; б) теории, описывающие внешнюю трудовую миграцию как длительное непрекращающееся явление. Заслугой Д. Массея является проведённый им критический анализ эффективности существующих теорий в объяснении процессов миграции.[1]

К первой группе теорий Д. Массей относит следующие: а) неоклассическая теория миграции (the neo-classical theory of migration); б) новая экономическая теория миграции (the new economics of migration); в) двойственная теория рынка труда (the dual labor market theory). Ко второй группе теорий им относены следующие: а) теория миграционных сетей (the network theory of migration); б) институциональная теория (institutional theory of migration); в) теория международных миграционных систем (the international migration systems theory).

Так, в *неоклассической теории миграции* не рассматривается эффект обратной связи и влияние прочих факторов на процессы международной миграции. Главное в этой теории – установление гибкого равновесия на рынке труда и выравнивание уровней заработных плат в странах эмиграции и иммиграции посредством международной миграции рабочей силы, вследствие чего миграция прекращается.

Новая экономическая теория миграции отличается от неоклассической тем, что в ней причиной миграции считается не различие уровней средних заработных плат в странах эмиграции и иммиграции, а различие в уровнях среднедушевого дохода в домохозяйствах. Член домохозяйства эмигрирует за рубеж в надежде заработать там больше, чем у себя на родине, и пересылать заработанные деньги своей семье. Решение о миграции члена семьи принимает глава семьи. Подобно тому, как инвестор формирует инвестиционный портфель, он решает распределить работу среди членов семьи так, чтобы минимизировать риски и максимизировать доходы семьи. Одни остаются работать в семейном предприятии, другие - уезжают в город, а третьи – за рубеж на заработки. Дж. Тейлор осуществил ряд исследований, подтверждающих истинность новой экономической теории миграции.[2]

В 1979 г. М. Пиор развил теорию двойственного рынка труда. Согласно данной теории, рынок труда состоит из первичного и вторичного секторов. В первичном секторе заняты высококвалифицированные работники, заработная плата которых традиционно высока по сравнению с заработной платой неквалифицированных работников, занятых во вторичном секторе. Вторичный сектор рынка труда является гибким, причём срок предлагаемой работы на нём не длителен, рабочие места являются не престижными, а уровень заработной платы традиционно низок. М. Пиор утверждает, что именно иммигранты стремятся удовлетворить спрос на труд во вторичном секторе рынка труда. Так, согласно теории миграционных сетей, даже в условиях, когда, казалось бы, эмиграция должна прекратиться (уровни заработных плат и уровень жизни в странах эмиграции и иммиграции примерно равны), она не прекращается. Причинами могут быть так называемые миграционные сети, через которые проходят значительные потоки миграции. Эти сети образуются вследствие взаимопомощи

[1] *Massey D.S., Arango J., Hugo G., Kouaouci A., Pellegrino A., Taylor J.* Theories of International Migration: A Review and Appraisal // Population and Development Review. Vol. 19. No. 3. September 1993. P. 431-466.

[2] *Taylor J. and Wyatt T.* The shadow value of migrant remittances, income and inequality in a household farm economy // Journal of Development Studies. 1996. 32(6). P. 899-912.

эмигрантов друг другу и имеют этнический признак.[1]

С позиции *институциональной теории* непрекращающиеся потоки миграции объяснимы совершенствованием правил регулирования миграции в пользу последней.

Согласно *теории международных миграционных систем*, существует комплекс факторов и условий, при которых возможно появление тех или иных международных миграционных систем.

В странах СНГ своими крупными исследованиями в области международной миграции и её влияния на рынок труда известны такие учёные, как Н.В.Охлопкова, Ж.А.Зайончковская, Л.П. Максакова и др. Исследования Н.В. Охлопковой носят индуктивно-дедуктивный характер, она делает умозаключения от частного к общему и меньше обращается к экономическим теориям миграции, её исследования носят скорее описательно-аналитический характер, чем фундаментальный.[2] Ж.А. Зайончковская[3] и Л.П. Максакова[4] с целью описания причин и последствий миграции чаще опираются на анализ массивов статистических данных и тенденций миграции. К сожалению, они практически не используют теории международной трудовой миграции, в том числе статические и динамические модели, предлагаемые этими теориями.

Для оценки влияния международной трудовой миграции на рынок труда можно применить многострановую модель трудовой миграции, которая строится на предпосылках неоклассической экономической теории. Для качественной оценки влияния международной трудовой миграции на рынок труда республики необходимо решить следующие задачи: а) разработать математическую модель, описывающую влияние международной трудовой миграции на рынок труда республики; б) применить и интерпретировать экономические результаты апробации модели, описывающей влияние международной трудовой миграции на рынок труда республики. На основе проведённой оценки можно выработать предложения и рекомендации для практического использования научно обоснованных методов анализа ситуации в сфере внешней трудовой миграции.

Для апробации нового подхода определения объёмов внешней трудовой миграции нами были построены регрессионные функции спроса на труд для трёх стран – Республики Узбекистан, Российской Федерации и Республики Казахстан (таблица). Затем функции спроса на труд, скорректированные с учётом издержек на проезд в страну иммиграции и обратно, а также на регистрацию в стране пребывания в качестве трудового мигранта, были включены в равновесную многострановую модель миграции. В результате решения равновесного уравнения получены изменения в предложении труда для каждой страны, которые отражают изменение на рынках труда этих стран.

Приведенная выше модель применима в условиях, когда рынки труда стран характеризуются относительно высокой гибкостью изменения уровня заработной платы, при этом занятость рабочей силы не обязательно должна находиться на уровне, близком к полной занятости. Модель применима для условий развивающейся страны, в которой имеется относительно дешевый труд.

В заключение хотелось бы отметить, что применение новых подходов к прогнозированию внешней трудовой миграции, основанных на теориях и практике, позволит укрепить научную обоснованность ее оценки.

[1] *Piore M.* Birds of Passage: Migrant labor and industrial societies. - Cambridge: Cambridge University Press,1979.

[2] *Охлопкова Н.В.* Глобализация рынка труда и открытая экономика (на материалах Республики Саха (Якутия). - М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 1999.

[3] *Зайончковская Ж.А.* Трудовая миграция в СНГ: социальные и экономические эффекты. – М., 2003.

[4] *Максакова Л.П.* Миграция населения Республики Узбекистан. – Ташкент: «Эльдинур», 2000.

Результаты применения многострановой модели международной миграции в оценке её влияния на рынки труда стран, включённых в данную модель (при неполной занятости)

Расчёт компонента модели	*Узбекистан*	*Российская Федерация*	*Казахстан*
Функция спроса на труд	w=188,212-0,00001695L	w=479,370-0,000006421	w=259,890-0,000036907
Скрректированнаяфункция спроса с учётом трансакционных издержек миграции	w=188,212-0,00001695L	w=359,5275-0,000004815	w=189,7197- 0,00002694
Равновесный объём занятости, чел.	9787340	68603000	5990670
Функция спроса на труд относительно уровня заработной платы, $f(w_i)$	$L=\frac{(188,212-w)}{0,00001695}$	$L=\frac{(359,5275-w)}{0,000004815}$	$L=\frac{(189,7197-w)}{0,00002694}$
$\sum_{i=1}^{n}(f(w_i)-\overline{L_i})=0$ (условие равновесия)	$\left[\frac{(188,212-w)}{0,00001695}\right]-9787340+\left[\frac{(359,5275-w)}{0,000004815}\right]-68603000+\left[\frac{(189,7197-w)}{0,00002694}\right]-5990670=0$		
Новый уровень равновесной занятости, чел.	9466203	68902935	6011872
Изменения в предложении труда, чел.	-321137	299935	21202

Сардор **АЪЗАМ,**
ЖИДУ магистранти

ХИТОЙ ИҚТИСОДИЁТИДА МИНТАҚАВИЙ ТЕНГСИЗЛИК МУАММОСИ

Хитой ҳукумати иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш мақсадида ўтган асрнинг 70-йиллари охирида бозор муносабатларига йўналтирилган социализм моделининг асосий шартларидан бири бўлмиш "Очиқ эшиклар" сиёсатини эълон қилди. Унга кўра, 80-90-йилларда мамлакатнинг асосан шарқий ҳамда жануби-шарқий ҳудудларида ташкил этилган турли хилдаги эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий капитал жалб этилиши керак эди. Мазкур сиёсат ўзини оқлади: чорак аср давомида Хитой иқтисодиётига ярим триллион АҚШ долларидан кўпроқ инвестиция киритилиб, йил ҳисобида мамлакат чет эл сармоядорларининг "энг севимли" бизнес масканларидан бирига айланди. Бозор ислоҳотлари жорий этилган давр мобайнида Хитой ялпи миллий маҳсулоти ўттиз беш баробардан кўпроқ ошиб, харид қилиш қобилияти паритети бўйича ҳисоблаганда, ушбу кўрсаткич 8,859 млрд. АҚШ долларини ташкил этди ва мамлакат дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди.[1] 1978-2004 йиллар мобайнида импорт ва экспорт ҳажми биргаликда ўртача 56 баробар ўсди.[2] Шунингдек, ташқи савдо миқдори ҳамда хориж сармоялари кўламининг ортиши натижасида 2006 йилнинг дастлабки тўққиз ойида Хитой валюта захиралари 987,9 млрд. долларга етиб,[3] ушбу кўрсаткич бўйича у бугунги кунда жаҳонда етакчилик қилмоқда.

Дафъатан Хитой Жануби-Шарқий Осиёдаги гуркираб яшнаётган "шерлар" орасида "аждар" мисоли бўй чўзиб, унинг салмоқли иқтисодий юксалиш суръатлари ҳамда мислсиз ютуқлари "ҳайбати" ҳар қандай давлатни "ваҳимага солгудек" кўринади. Маълум даражада мазкур "салобат" айни ҳақиқатдир, бироқ ушбу "оломон" мамлакатида ҳали бир талай муаммолар ҳам мавжудки, уларни ҳал этмоқ Чин мамлакатидан чинакам ғайрат талаб этади. Мазкур мақолада ана шундай жумбоқлардан бири – минтақалараро тараққиётдаги паст-баландликларга тўхталишни лозим топдик.

Иқтисодий назарияда, одатда, инвестицияларнинг миллий иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий фаолиятга муайян таъсири, уларнинг энг мувофиқ, идеал кўлами каби мавзулар ўрганилади. Айни пайтда, ажнабий капиталнинг ҳудудий жиҳатдан ва соҳалар бўйича

[1] Қаранг: http://www.stats.gov.cn/tjsj/ndsj/2005/indexeh.htm

[2] Қаранг: Bi, Jiyao. *China's New Concept for Development.* // *China in a globalizing world.* New York and Geneva: United Nations (UNCTAD), 2005. P.106.

[3] Қаранг: "China"s forex reserves rise to 987.9 bln USD by end of Sept". // *People's daily* online (Source: Xinhua), 13/10/2006, http://english.peopledaily.com.cn/200610/13/eng20061013_311599.html

мутаносиб тақсимланиши масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этади. Хитой тажрибасининг кўрсатишича, ушбу жабҳада эркин бозор қонуниятларига таяниш бир қатор салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Дарвоқе, буни 1997-98 йилларда кузатилган Осиё молиявий инқирози ҳам тасдиқлади. Шунинг учун ҳам, сармоялар "бозор инқирози"ни (market failure – провал рынка) келтириб чиқариши мумкин бўлган омил сифатида қаралиши лозим. Бинобарин, хорижий капитал менежменти масаласи давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, уни фискал ва монетар интервенция имкониятларидан фойдаланган ҳолда назорат қилиб туриш керак.

Номутаносиб тараққиёт илдизлари

Даставвал, Хитой ҳукуматининг тахминларига кўра, хориж сармоялари орқали эркин иқтисодий ҳудудларда тўпланаётган иқтисодий-технологик салоҳият ва бой тажриба кейинчалик бошқа вилоятларга ҳам тарқалиши, қолаверса, ушбу махсус ҳудудлар ҳукуматнинг иқтисодий сиёсат олиб боришида ўзига хос тажрибахона вазифасини ўтамоғи, бинобарин, бозор муносабатларини шакллантиришда юз бериши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиши лозим эди.

Бироқ мазкур стратегия сўнгги йилларда кутилган натижаларга олиб келмаяпти. Чет эл сармоясини жалб этиш борасида 25 йиллик тажрибага эга бўлган Хитойда хорижий технологик ва менежмент санъати ассимиляцияси, қолаверса, бундай ютуқларни мамлакатнинг бошқа ҳудудларига татбиқ этиш жараёни суст кечмоқда. Манбаларга қараганда, қишлоқлардаги замонавий жиҳозланган ва янгича бошқарув тартиби жорий этилган йирик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари бундай корхоналар умумий сонининг атиги бир фо-

изини ташкил этади.[1] Хитой давлат Интеллектуал мулк қўмитаси маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат корхоналарининг бор-йўғи 0,03 фоизи замонавий технологиялардан фойдаланиш борасида интеллектуал мулк ҳуқуқига эга экан. Айни пайтда, 99% миллий тадбиркорлик субъектлари патент олиш талаби билан тегишли идораларга мутлақо мурожаат этмаган ҳамда бундай корхоналарнинг 60 фоизида хусусий савдо белгилари умуман йўқ.[2] Мазкур аҳвол шундайлигича давом этаверса, эркин иқтисодий ҳудудлар давлатга фойда келтирувчи алоҳида анклавлар вазифасинигина бажариб, иқтисодиётнинг яхлит ҳолда тараққий этишига кутилган ҳиссани қўшмаслиги табиий. Хитой тажрибаси шуни кўрсатадики, саноат соҳаларидаги ўзаро алмашинувнинг етарли эмаслиги, провинцияларо ҳамкорликнинг паст даражада эканлиги, ажнабий сармоя афзалликларини денгизга яқин ҳудудлардан ички Хитойга "узатиш" суръатининг сустлиги бир қатор салбий оқибатларга олиб келади.

Биринчидан, эркин иқтисодий ҳудудлар мамлакатнинг бошқа ўлкаларига нисбатан жадал ривожланиб, хорижий инвестицияларни жалб этишда "магнит майдони"га айланмоқда. Натижада, фақат уларгина юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришиб, қолган ҳудудлар эса ички салоҳиятга таянган анъанавий ривожланиш йўлида давом этаётир. Мазкур ҳол мамлакат бўйлаб ҳудудий тараққиётда номутаносибликка сабаб бўлмоқда ҳамда иқтисодий қутблашув тамойилининг юзага келганлигидан далолат бермоқда. Бир қарашда, ҳудудининг катталиги (9,326,410 км. кв.) ҳамда денгизга бевосита чиқиш имко-

[1] Қаранг: *Юсупов Н.* Об опыте развития сельских предприятий в Китае // *Экономическое обозрение*, №5. 2005. С. 37.

[2] Қаранг: "Only 0.03% Chinese firms have own key tech". // *China Economic Information Network*, 04/01/2006. Source: Xinhua, http://www1.cei.gov.cn/ce/doc/cep1/200601040609.htm

ниятининг юқорилиги (соҳил қисми узунлиги – 14,500 км) Хитойнинг аксарият мамлакатларга нисбатан геоиқтисодий устунлиги ҳисобланса-да, бошқа тарафдан, бундай қулайлик чет эл капиталини мамлакатга киритишда фақатгина соҳилбўйи вилоятларига иқтисодий наф келтириб, ҳудудлараро тараққиётдаги мувозанатнинг бузилишига олиб келади[1] (1-жадвалга қаранг). Фикримизни рақамлар ҳам тасдиқлайди. Хитой Тижорат вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2006 йилнинг 1 январига нисбатан мамлакатда жамланган ва фойдаланилаётган бевосита шакллдаги жами сармоялар миқдори 612 млрд. 510 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, унинг 81,2 фоизи шарқий сарҳадлардаги ўн вилоятга, 7,6 фоизи олти марказий вилоятга, 4,5 фоизи ғарбий Хитойнинг ўн икки вилоятига, қолган 6,7 фоизи эса шимоли-шарқдаги уч вилоятга тўғри келар экан.[2] Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, чет эл капитали ушбу ўлкаларда мос тарзда 1106, 129, 72, 380 АҚШ долларини ташкил этмоқда.[3] Сўнгги йилларда хорижий маблағнинг юқоридаги жуғрофий минтақаларда тегишли равишда 7,9, 4,5, 0,3 фоиз, шимоли-шарқдаги уч вилоятда эса, аксинча, "ўсиш" суръати вазиятнинг қалтислашаётганидан далолат беради.

1-жадвал.

Хитой аҳолиси сони ва ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) жуғрофий ҳудудлар бўйича тақсимланиши, 2004 йил (% ҳисобида)

Жуғрофий ҳудудлар	Аҳоли сони	ЯИМ
Ғарбий 12 вилоят	29,4	18,7
Марказий 6 вилоят	27,7	18
Шарқий 10 вилоят	34,6	54
Шим.-шарқий 3 вилоят	8,3	9,3
Жами	**100**	**100**

Манба: *Statistical Yearbook of China, 2005 асосида муаллиф ҳисоб-китоби.*

Умуман олганда, 1978-2005 йиллар давомида сармояларнинг ҳудудий жиҳатдан номутаносиб тақсимоти натижасида шарқий ўлкаларнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 11,8 фоиз ошган, қолган ҳудудларники эса бунинг эвазига камайган.[4]

Иккинчидан, марказий ва шарқий вилоятларнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушининг салмоқли эканлиги[5] аҳоли даромадининг регионал диспаритетига сабаб бўлмоқда. 2-жадвалдан кўриниб турганидек, энг тараққий этган шарқий вилоятларнинг

[1] Аксарият олимларнинг фикрича, сармоя киритиш ва иқтисодий ўсиш суръатлари тўғри пропорционал омиллар ҳисобланади. Жумладан, Осиё Тараққиёт Банкининг маълумотларига кўра, 2005 йилда Хитойнинг 9,9 фоизлик иқтисодий ўсишининг 60 фоизига айнан инвестициялар сабаб бўлган.

[2] Қаранг: "Восточные, центральные и западные регионы Китая получают разный объем иностранных инвестиций" // Газета *"Жэньминь жибао"* он-лайн, 06/09/2006, http://russian.peopledaily.com.cn/31521/4787583.html

[3] Кўриниб турганидек, Хитойнинг фақатгина шарқий соҳилбўйи вилоятлари ғарбий ҳудудлардан 18 марта, марказий вилоятлардан 11 марта, шимоли-шарқий ўлкалардан эса 12 марта кўпроқ инвестиция жалб этган.

[4] Қаранг: "Расширяется разница в темпах экономического роста разных районов Китая". // Газета "Жэньминь жибао" он-лайн, 17/05/2006. На основе материалов агентства Синьхуа.

[5] Расмий статистик манбалар асосидаги ҳисоб-китобларимиз ушбу кўрсаткич 72 фоизга тенг эканлигини кўрсатмоқда.

аҳоли жон бошига ялпи минтақавий маҳсулоти ривожланишда орқада қолаётган ғарбий ҳудудлардаги шу кўрсаткичга нисбатан 2,46 марта ортиқ.[1]

2-жадвал

Хитой аҳоли жон бошига ялпи регионал маҳсулотининг минтақалараро нисбати, 2004 йил (А/В кўринишида)

А \ В	Шарқий 10 вилоят	Шим.-шарқий 3 вилоят	Марказий 6 вилоят	Ғарбий 12 вилоят
Шарқий 10 вилоят	1	1,4	2,4	2,46
Шим.-шарқий 3 вилоят		1	1,72	1,76
Марказий 6 вилоят			1	1,02
Ғарбий 12 вилоят				1

Манба: *Statistical Yearbook of China, 2005 асосида муаллиф ҳисоб-китоби.*



Шу ўринда шаҳар ва қишлоқ резидентлари даромадидаги тафовут масаласига ҳам эътибор қаратиш лозим. Агар 2001 йилда уларнинг нисбати 2,9:1 ни ташкил этган бўлса, 2005 йилда ушбу кўрсаткич 3,2:1 гача ортган (1-графикка қаранг).[2] Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотининг маълумотларига қараганда, Хитой аҳолисининг 20 фоизи мамлакат ялпи миллий даромадининг ярмига, қолган 20 фоизи эса, бор-йўғи 4,7%га эгалик қилади. Яна бир манбага кўра, шаҳарда истиқомат қилувчи кам даромадли 20 фоиз аҳоли ҳиссасига шаҳарликлар жами даромадининг 2,75 фоизи ёки бу ердаги 20 фоиз бой аҳоли даромадининг 4,6 фоизи тўғри келар экан.[3] БМТнинг "2005 – Инсоният тараққиёти ҳақидаги маъруза"сида қайд этилишича, бой ва ночор қатламлар даромади орасидаги тафовутни акс эттирувчи Джини кўрсаткичи Хитойда 0,45 ни ташкил этиб, у халқаро меъёрларда белгиланган "қизил чизиқ"дан ҳам ўтиб кетган (0,4).

Иқтисодчи Фань Ган Хитойдаги даромад тенгсизлигини қуйидаги уч масалага боғлиқ деб ҳисоблайди:[4] жорий иқтисодий-сиёсий тизимдаги камчиликлар (эски тузум қолдиқлари, жумладан, давлат мулки билан боғлиқ масалаларда коррупция ва ноқонуний даромаднинг ҳануз мавжудлиги ҳамда айрим монополлашган соҳаларда бозор унсурларининг "кўринмаётгани"); тараққиётдаги муаммолар (қишлоқларда-

[1] Диққат қилинг: аҳоли жон бошига ялпи минтақавий маҳсулот кўрсаткичи аҳоли даромадлари тушунчасидан фарқ қилади.

[2] Мазкур график қуйидаги манбадан олинди: Asian Development Outlook 2006: Routes for Asia's trade. Asian Development Bank, Hong Kong, China, 2006, p.122.

[3] Қаранг: "Urban income gap widens to alarming level". // *People's Daily* on-line, 07/02/2006. Source: Xinhua, http://english.peopledaily.com.cn/200602/07/eng20060207_240742.html

[4] Қаранг: "Экономист Фань Ган: почему в Китае увеличивается разрыв в доходах". // Газета "*Жэньминь жибао*" он-лайн, 27/10/2006, http://russian.peopledaily.com.cn/31521/4968195.html

ги деҳқончилик билан боғлиқ муаммолар, урбанизация кўрсаткичининг паст даражада эканлиги, иш билан таъминлашда рақобатнинг юқорилиги каби омиллар қишлоқ аҳолиси даромадини пасайтириб юборади); ижтимоий сиёсатнинг мукаммал эмаслиги (таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги нуқсонлар). Хитойлик иқтисодчи мазкур муаммоларни бартараф этиш учун бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор бериш ҳамда ижтимоий сиёсатни ҳар томонлама мукаммалаштиришга даъват этади.

Табиийки, аҳоли қатламлари ўртасидаги иқтисодий тенгсизлик, маълум даражада, миллий даромаднинг жуғрофий номутаносиб тақсим этилиши натижасидир, бироқ мазкур муаммо қишлоқ ҳудудларига киритилаётган инвестициялар кўламининг нисбатан озлиги, саноатлашув даражасининг сустлиги, шунингдек, даромад орттириш илинжидаги қишлоқ муҳожирларининг шаҳар ҳудудига кириш учун турли тўсиқларга учраётгани каби катта-кичик муаммолар билан ҳам изоҳланади. Аграр хўжалигининг ЯИМдаги улуши 15% бўлгани ҳолда мамлакат аҳолисининг тенг ярми самарадорлиги жиҳатидан энг кейинги ўринда турадиган ушбу тармоқда фаолият кўрсатаётгани даромад тенгсизлигининг яна бир исботидир.

Хитой ҳукумати жорий вазиятни тўғри баҳолаб, қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолига енгиллик яратиш мақсадида 2006 йилнинг 1 январидан аграр ва чорвачилик солиқларининг олиб ташланишини эълон қилди. Натижада, даромади бевосита об-ҳаво шароитига, ғалла, буғдой каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ўғитнинг нархига боғлиқ бўлган деҳқонлар ҳамда чорвадорларга шу зайлда кенг имконият яратилди. Бундан ташқари, қишлоқларда ижтимоий инфратузилма қулайликларини шакллантириш, бепул мажбурий ўрта таълим тизимини жорий этиш каби масалалар ҳам ҳукуматнинг ўн биринчи бешйиллик (2006-2010) режаларига киритилган.

Учинчидан, қишлоқ ҳудудларида даромаднинг пастлиги миграция суръатининг ўсиши ва шарққа интилаётган ишсизлар оқимининг кучайишига сабаб бўлмоқда. Илғор ишлаб чиқариш соҳаларининг асосан шарқий ўлкаларда марказлашуви ҳам миграция йўналишининг айнан шу тарафга қаратилганлигини тасдиқлайди. Статистикага кўра, Хитойда 100-150 млн. мигрант ишчи мавжуд бўлиб, шаҳар аҳолиси ўсишининг 70 фоизи ички миграция туфайлидир.[1] Айни пайтда, даромад орттириш ниятида Россия, Қозоғистон, ҳатто, АҚШ ва Европа мамлакатларига йўл олаётган хитойликлар ҳам талайгина. Ҳозирги кунда биргина Россия ҳудудида Хитойдан яширин йўллар билан "ташриф буюрган" 4-5 млн.дан ортиқ нолегал мигрант бор. Ачинарлиси шундаки, малакали кадрлар ҳам кўпроқ даромад орттириш ниятида мамлакатнинг ғарбий ва марказий ҳудудларини тарк этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур ўлкаларда инсон капитали танқислиги масаласини кўндаланг қилиб қўйиши мумкин. Жадал ривожланаётган шарқий вилоятларда аҳоли сонининг миграция эвазига ортиши турли кўринишдаги ижтимоий танглик муаммосини келтириб чиқариши эҳтимоли бор. Оилавий кўчаётган мигрантлар ҳамда ёлғиз келган ишчиларнинг ижтимоий инфратузилма қулайликларидан (таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳ.к.) тўлиқ фойдалана олмаслиги, турли касалликларнинг оммавий тарқалиш эҳтимоли, шаҳардаги ишсизлар ва ночорларнинг кўпайиши, жиноятчиликнинг авж олиши, уй-жой нархларининг кўтарилиши каби муаммолар шу фикрнинг далилидир.

Агар юқорида тилга олинган ҳолатларнинг олди олиниб, ишчи кучининг оп-

[1] Қаранг: *Yusuf, Shahid and Kaoru Nabeshima.* China's development priorities. Washington, D.C: The World Bank, 2006. P.14.

тимал оқими таъминланса, табиийки, миграциянинг ижобий жиҳатлари намоён бўлади. Зеро, миграция (айниқса, ички миграция) иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

"Ғарбга юриш" муаммолари

Минтақавий тараққиётда номутаносибликнинг мавжудлиги ва унинг ортиши 2000 йилда ҳукуматнинг "Ғарбга юриш" стратегиясини[1] бошлашига сабаб бўлди. Мазкур дастур қулай инвестицион иқлим ташкил этиш, ташқи иқтисодий очиқликни таъминлаш, фан ва таълимни тараққий эттириш каби вазифаларни мақсад қилиб, ғарбий сарҳадларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга, бинобарин, минтақавий тенгсизлик муаммосига барҳам беришга қаратилган эди. Бунинг учун ҳукумат ўша йилнинг ўзидаёқ 45,5 млрд. доллар ажратди.

Ғарбий Хитой тўққиз провинция ва автоном туманни ўз ичига олиб, ўндан ортиқ давлат билан 3500 км масофада қуруқлик чегарасига эга. Хитой ҳудудининг учдан икки қисмини ташкил этадиган ушбу вилоятларда 300 млн киши (23%) истиқомат қиладики, бу рақам АҚШ аҳолиси сонидан бирмунча каттадир. Шу жиҳатдан, бизнингча, ҳукуматнинг мазкур стратегияси ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий тарафдан адолатлидир.

Мутахассисларнинг фикрича, келажакда ғарбий сарҳадлар ташқи дунёга очиқликнинг иккинчи "олтин ҳалқа"сига айланади. Яқин йиллардан бошлаб мазкур ўлкалар хорижий сармоядорларнинг диққат-эътиборини тобора қозониб бормоқда. Йиллик сармоя миқдорининг 2 млрд. доллардан ошиб кетганлиги, 2005 йилнинг сўнгида бу ерларда уч мингга яқин чет эл корхонаси ва трансмиллий корпорацияларнинг қайд этилганлиги фикримизга мисол бўла олади.

Бироқ мамлакат раҳбарияти ҳудудий тараққиёт дастурини амалга оширишда баъзи муаммоларга юз тутишини ҳам инкор этиб бўлмайди. Қуйида биз шундай жиҳатларни тилга олиб, уларни бартараф этиш борасида айрим таклиф ва мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз:

Биринчидан, ғарбий ўлкаларнинг денгиздан узоқда эканлигини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, ушбу вилоятларда сув йўли орқали экспортга йўналтирилган саноат соҳаларини ривожлантириш транспорт харажатларининг ортишига олиб келади. Шунинг учун ғарбий чегараларга яқин жойлашган вилоятлар ишлаб чиқаришнинг шундай тармоқларига зўр бермоғи лозимки, улар Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ҳамда Россия билан яқиндан манфаатли алоқа ўрнатишга асосланган бўлсин. Дарҳақиқат, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида ёхуд иккитомонлама келишувлар асосида ушбу манфаатларни илгари суриш Хитой учун тегишли иқтисодий ютуқни кафолатлайди. Муқобил ёхуд мувозий равишда мазкур вилоятлар марказий ҳудудлар билан бир қаторда ички бозорни зарур маҳсулотлар билан тўлдирувчи бўғин вазифасини ҳам ўташи мумкин.

Маълумки, бугунги кунда Хитойнинг турли табиий хомашёларга бўлган талаби тобора ортиб бормоқда. Буни мамлакатнинг биргина нефть импорти бўйича жаҳонда АҚШ ва Япониядан кейин учинчи ўринни эгаллаб турганидан ҳам билиш қийин эмас. Хитойнинг энергетик хавфсизлигини таъминлаш учун эса мазкур маҳсулотлар импорти манбаларини диверсификация қилиш лозим. Ғарбий Хитой ҳамда Марказий Осиё минтақаси бундай табиий ресурсларга бой ҳудудлардандир. "Синьхуа" агентлиги маълумотларига қараганда, ғарбий Хитойда мамлакат бўйича топилган 156 турдаги фойдали қазилмаларнинг 138 хили мавжуд бўлиб, кўмир, нефть, табиий газ, калий содаси каби хомашё захиралари бўйича ушбу маскан мамлакат миқёсида тенгсиз ҳисобланади. Шу жумладан, зарур инвестицион иқлим ташкил этган ҳолда, ғарбий ўлкалар иқтисодиётига, хомашёга асосланган хорижий сармояларни (resource-seeking FDI) жалб этиш минтақа тараққиётини жадаллаштиришга хизмат қилади. Дарҳақиқат, Хитойнинг Жаҳон савдо ташкилотидаги аъзолик мажбуриятлари энергетика соҳасида рақобат майдонини яратишни ҳам кўзда тутади. Бинобарин, ғарбий ҳудудлардаги фойдали қазилмалар ўз навбатида хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик манбаига айланиши табиий.

Иккинчидан, маълумки, ишчи кучининг арзонлиги ҳамда имтиёзли солиқлар ҳар доим ҳам ажнабий сармоядорларнинг диққатини тортавермайди. Мўътадил транспорт харажатлари, замонавий талабларга жавоб берадиган иқтисодий ва технологик шароитнинг муҳайёлиги каби омиллар ҳам борки, уларсиз сармоядорнинг маблағ киритишига ишониш қийин. Шунинг учун ҳам, Хитойнинг ғарбий ўлкаларида инвестицион иқлимнинг қулай эмаслиги, жумладан, технологик инфратузилманинг паст даражада эканлигини ҳисобга олиб, ушбу соҳага давлат аралашувини таъминлаш лозим.

Учинчидан, қўшни мамлакатлар бозорига чиқиш ҳамда Хитой ғарбини шарқий ҳудудлар билан боғлаш учун мавжуд транспорт "йўлак"ларини таъмирлаш, янгиларини барпо этишга катта эътибор қаратмоқ даркор. Тарихий "Буюк ипак йўли"ни тиклаш эса ушбу масаланинг ҳам иқтисодий, ҳам тарихий-мафкуравий таянчи бўла олади. Дарҳақиқат, ҳозирги кунгача Хитойни Марказий Осиё республикалари билан боғловчи 64 континентал коридор қурилган бўлиб, улардан 33 таси йўловчи, қолгани эса юк ташишга мўлжалланган.[1] Яқин келажакда Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой "пахта йўли"нинг (темирйўл) ишга туширилиши ҳам "оқ олтин" экспорти харажатларини бир қадар пасайтиради.[2]

Тўртинчидан, солиқ тизимини ислоҳ қилиш минтақавий ривожланишда уйғунликка эришиш гаровидир. Маълумки, Хитойда маҳаллий тадбиркорлар учун даромад солиғи 33 фоиз, эркин иқтисодий ҳудудларга сармоя киритган ажнабий ишбилармонлар учун эса 15 фоизни ташкил этади. Бундай "дискриминация"га чек қўйиш ҳамда барча учун ягона даромад солиғи ставкасини жорий этиш, мана саккиз йилдирки, турли сабабларга кўра кечиктирилмоқда. Комфирқа намояндаларининг фикрича, келажакда даромад солиғи иқтисодиётнинг барча субъектлари учун 24 фоиз миқдорида белгиланади. Бироқ "Ғарбга юриш" дастурига қарағанда, сармояга рағбат бериладиган ҳудудларда амалда бўлган 15 фоизлик даромад солиғи эндиликда ғарбий ҳамда марказий Хитой вилоятларида жорий этилиб, шу йўсинда минтақавий иқтисодий тенгсизлик муаммоси маълум даражада ўз ечимини топади.

Дастур сўнгги йилларда кўплаб компанияларнинг муайян иқтисодий қарор қабул қилишига сабаб бўлди. Жумладан, 2004 йилда *Intel* компанияси Сичуань провинциясининг пойтахти бўлмиш Чэнгду шаҳрида янги заводни ишга тушириб, унга 525 млн. доллар сармоя киритди.[3] Мазкур объект компаниянинг Шанхайда-

[1] Мазкур дастурнинг бош максади хорижий инвесторларнинг мамлакатнинг марказий ва ғарбий қисмларига сармоя киритишларини рағбатлантиришдан иборат (атаманинг инглизча муқобили - "Go West" strategy)

[1] Қаранг: "Международный транспортный коридор соединит Китай и Центральную Азию". // Газета *"Жэньминь жибао"* он-лайн, 27/06/2006, первоначальный источник: Китайский информационный Интернет-центр, http://russian.peopledaily.com.cn/31518/4533650.html

[2] Шу пайтгача Хитойга пахта экспорт қилиш учун Ўзбекистон Эроннинг Бандар-Аббос порти орқали денгиз коммуникацияларига уланар эди. Бунинг натижасида ҳам вақт бой берилиб, ҳам транспорт харажатлари анча юқори эди.

[3] Қаранг: "The problem with Made in China". // *The Economist*, 11/01/2007, online source: http://economist.com/displayStory.cfm?story_id=8515811 (Last access date: 30/01/2007)

ги бошқа заводларидан 1600 км узоқликда бўлиб, улар билан биргаликда яхлит технологик тизимни ташкил этади. Корхона раҳбарларининг фикрича, экспорт харажатлари ошишига қарамай, меҳнат ҳақи ҳамда сув, электр ва бошқа ресурсларнинг қирғоқбўйи ҳудудларга нисбатан арзонлиги бундай сиёсатни оқлайди ва даромаднинг ўсишига хизмат қилади.

Бироқ айрим инвесторлар малакали кадрларнинг етишмаслиги, транспорт харажатлари эвазига маҳсулот таннархининг ошиб кетиши, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий инфратузилманинг ноқулайлиги каби муаммолар туфайли Хитойнинг ички ҳудудларига сармоя киритишдан кўра Жанубий-Шарқий Осиёдаги бошқа мамлакатларга пул тикишни афзал кўрмоқда. Бу борада "тухумларни бир саватга эмас, бир неча саватга жойлаш" тамойили бизнес таваккалчилигини камайтирувчи омил сифатида инвесторларга туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Боз устига, айрим давлатларнинг (АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари) муайян маҳсулотлар бўйича Хитойга нисбатан савдо чекловларини ўрнатгани ҳам юқоридаги тамойилнинг амалга ошишини тезлаштирмоқда. Буларнинг барчаси "Ғарбга юриш" "осон" эмаслигини кўрсатади.

Бешинчидан, ижтимоий инфратузилманинг нафақат ғарбий вилоятларда, балки мамлакатдаги қишлоқ ҳудудларининг барчасида танг аҳволда эканлиги "Ғарбга юриш"нинг диққат марказида бўлмоғи лозим. Таълим, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат мажмуалари билан боғлиқ муаммоларнинг давлатнинг самарали фискал аралашуви ёрдамида ҳал этилиши, табиийки, қашшоқликнинг олдини олиш ҳамда фаровонликни оширишда асосий омил ҳисобланади. Шунингдек, ичимлик сувининг танқислиги масаласи[9] аҳолининг турли қатламларига, саноат тармоқларига, қишлоқ ҳудудларида асосий меҳнат соҳаси бўлмиш аграр хўжалигига таъсир кўрсатадиган йирик муаммолардан бири бўлганлиги сабабли мазкур жабҳада ҳам иқтисодий сиёсатнинг самарали механизмларини ишга солмоқ керак.

Бинобарин, юқорида келтирилган муаммолар эътиборга олиниб, тизимий равишда ислоҳотларнинг ягона стратегияси жорий этилиши ушбу соҳада тўла муваффақиятга эришилишини кафолатлайди.

* * *

Умуман олганда, иқтисодий юксалишнинг Хитой модели мамлакатнинг ўзига хос бир қатор хусусиятлари билан боғлиқ. Ретроспектив таҳлилнинг кўрсатишича, давлатнинг бозор муносабатларини қарор топтиришда фаол тадрижий сиёсат олиб бораётганлиги ҳамда унинг капитализм тамойилларини жорий этишда бағрикенглик йўлини тутганлиги муваффақият асосидир. Мазкур ютуқлар, табиийки, глобаллашув жараёнининг ажралмас қисми сифатида ташқи очиқлик сиёсати, бинобарин, хорижий сармоялар оқими сабабли ҳамдир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг Хитой тажрибасини ўрганиш Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга. Ибратли жиҳатлари билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар ҳам инобатга олиниб, бизнинг шароитга мос равишда муайян иқтисодий сиёсат амалга оширилса, табиийки, бозор муносабатларига ўтишда салбий ҳодисаларни четлаб ўтиш мумкин бўлади.

Хулоса ўрнида Хитой ҳамда дунёдаги бошқа мамлакатларнинг сармоя сиёсати тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон иқтисодиёти учун қуйидаги таклифларни фойдали деб ҳисоблаймиз:

1.Аксарият изланишлар натижасида маълум бўлишича, хориж капитали ҳар томонлама қулай шароит излайди. Барқарор иқтисодий сиёсат, иш

[9] Мазкур муаммодан Хитойнинг асосан шимолий ҳудудларида истиқомат қилувчи 400 миллионга яқин одам азият чекади. (Қаранг: Yusuf, Shahid and Kaoru Nabeshima. *China's development priorities*. Washington, D.C. The World Bank, 2006, p.108)

ҳақининг арзонлиги, фискал имтиёз, техник ва технологик инфратузилма, сертармоқ транспорт "йўлак"лари тизими ҳамда малакали мутахассислар қатламининг мавжудлиги каби омиллар мажмуи ҳар қандай сармоядорни жалб қилувчи аҳамиятга эга. Айни пайтда таъкидлаш лозимки, ушбу шартлар ягона тизимни ташкил этади, яъни унинг бирор бўғини талабга жавоб бермаса, кўзланган мақсадга эришиш қийин.

2.Хорижий сармояни жалб этиш билан бир қаторда унинг ҳудудлараро мутаносиб тақсимоти ҳам алоҳида аҳамият касб этмоғи лозим. Мазкур жабҳада узоқни кўзлаган сиёсат олиб бориш келажакда муайян муаммоларни, жумладан, Хитойда кузатилаётгани каби минтақавий иқтисодий тенгсизлик масалаларини бартараф этишда қўл келади. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ҳам бу борада тегишли ишлар олиб борилиб, 2005 йилнинг 1 июлидан ишчи кучи кўп бўлган минтақаларга (улар қаторида ривожланишда орқада қолаётган вилоятлар ҳам бор) капитал киритишни жадаллаштириш мақсадида ажнабий сармоядорларга алоҳида имтиёзлар тизими яратиб берилди.

3.Маълумки, чет эл инвестициялари, мақсадига кўра бир неча турга бўлинади. Илмий адабиётларда, одатда, хомашё ва арзон ишчи кучи (resource-seeking investments), янги бозор (market-seeking investments) ҳамда самарадорлик (efficiency-seeking investments) "изловчи" хориж сармоялари ҳақида фикр юритилади. Иқтисодий трансформация эҳтиёжларини қоплаш учун қисқа даврда хомашё изловчи сармояларга кенг имконият очиб бериш муҳимдир. Бироқ ўрта ва узоқ муддатда бундай сиёсат мамлакатнинг жадал ривожланишига эмас, аксинча, унинг арзон хомашё манбаига айланишига олиб келади. Шунинг учун, хорижий капиталнинг юқорида саналган бошқа турларини жалб этишга ўз вақтида урғу бермоқ лозим.

4.Мамлакатимизда саводхонлик даражасининг юқори эканлиги, қолаверса, малакали мутахассислар қатламининг мавжудлиги инсон капитали сафарбар этилиши мумкин бўлган тармоқларда, жумладан, юқори технологиялар соҳасида имкониятларимиз етарли эканлигидан далолат беради. Шу боис, техник ва технологик тараққиёт йўлида Япония каби ривожланган ҳамда Хитой, Ҳиндистон каби ривожланаётган давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, улар билан қўшма инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш лозим. Таъкидлаш керакки, икки томонлама савдо айланмаси ҳажмини оширгандан кўра, айнан сармоя имкониятларидан фойдаланиш иқтисодиётимиз учун фойдали бўлади.

5.Ўзбекистон денгизга чиқиш учун камида икки мамлакат ҳудудини босиб ўтиши керак бўлган дунёдаги икки давлатнинг биридир. Бундай географик ноқулай жойлашув экспорт ва импорт муолажаларида транспорт харажатларининг ортишига олиб келади. Фикримизча, Ўзбекистон учун минтақавий транспорт лойиҳаларида иштирок этиш, бу борада тегишли давлатлар билан консорциум тузиш, Марказий Осиёда иқтисодий интеграцияни жадаллаштириш каби муқобил йўллар мавжуд муаммони бартараф этишда қўл келади. Дарвоқе, бу борадаги самарали сиёсат хорижий сармоялар кўламининг ортишига ҳам олиб келади.

А. Мўминов,
ю.ф.н., ЖИДУ

ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ – ИНСОН ТАБИИЙ ҲУҚУҚИНИНГ КАФОЛАТИ СИФАТИДА

Демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини қуриш вазифаси суд-ҳуқуқ тизимининг демократик принциплар асосида мунтазам суратда ислоҳ қилиб борилишини тақозо этади. Шу боис ҳам, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда бу соҳадаги ислоҳотлар оғишмай амалга оширилиб келинмоқда. Жиноят қонунчилиги, суд тизими босқичма-босқич ва доимий равишда ислоҳ қилинмоқда. Жиноят қонунчилиги либераллаштирилиб, суд тизимида ихтисослашувлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, бу соҳадаги қонунчилик умумэътироф этилган ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро стандартларга мувофиқлаштириб борилмоқда. Чунки, халқаро ҳамжамиятнинг таркибий қисми сифатида Ўзбекистон инсоният томонидан эътироф этилиб, барча демократик халқлар интилаётган хаёт тарзи талабларини бажаришни ва ўз халқини дунёнинг илғор халқлари қаторида тенг даражада фаолият кўрсатишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу мақсадда Ўзбекистон бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган 60 дан ортиқ халқаро шартномаларга аъзо бўлган ва бу шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариб келмоқда. Улар орасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унинг Факультатив протоколи, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш тўғрисида декларация, Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида халқаро конвенция, Қийноқларга солиш ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция, Бола ҳуқуқлари конвенцияси, Женева конвенциялари ва уларнинг қўшимча Протоколлари ва бошқа ҳужжатлар бор.

Кенг жамоатчилик томонидан энг демократик ва халқчил конституция деб эътироф этилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасига кўра, "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир".

Бу борада олиб борилаётган ишлар қаторида жиноий қонунчиликда катта аҳамиятга эга бўлган ва бу соҳада кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётган жазо тизимини, хусусан олий жазо сифатида жиноий қонунчиликдаги жазолаш тизимидан ўлим жазосини олиб ташлаш масаласи, яъни шу тўғрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармонининг моҳияти бугунги кунда ҳам олимлар, мутахассислар ва кенг жамоатчилик орасида қизғин муҳокама қилинаётганлиги, айниқса диққатга сазовордир. Жумладан, мамлакатимиз Президенти И.Каримов ўзининг 2005 йил 28 январдаги Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган нутқида "Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала – бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир[1]" дейиш билан бу масала суд-ҳуқуқ ислоҳотининг стратегик вазифаларидан бири эканлигини алоҳида кўрсатиб берган эди.

Инсоннинг яшашга бўлган ҳуқуқи тарихан инсоннинг олий ва табиий ҳуқуқи сифатида эътироф этиб келинади. Аммо, шунга қарамасдан, инсоннинг яшашга бўлган табиий ҳуқуқи бошқа яна бир ҳуқуқий меъёр – олий жазо билан бамавжуд бўлишга мажбур бўлиб, ушбу икки меъёрнинг ўзаро баҳси бугунги кунда янада долзарб тус олмоқда. Яъни, бутун инсоният бу борада якдил фикрга келишга ҳали муваффақ бўла олмади[2].

Бугунги кунда эса инсон ҳаёти дахлсизлиги бир қатор мўътабар халқаро ҳужжатлар ва аксарият миллий қонунлар тизимидан жой олишга улгурди. Чунончи, 1948 йилнинг 10 декабрида БМТ Бош Ассамблеясининг 217 А (III) Резолюцияси билан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддаси ҳар бир шахснинг ҳаётга (яшашга) бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлади. БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А(XXI) Резолюцияси билан қабул қилинган ва 1976 йил 23 мартдан эътиборан кучга кирган Сиёсий фуқаролик ва ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 6-моддаси барча давлатларни ўлим жазосини бекор қилишга ҳамда 18 ёшга тўлмаган ва ҳомиладор аёлларни олий жазога тортмасликка чақиради.

Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича халқаро пактнинг ўлим жазосини бекор қилишни кўзловчи мажбурий бўлмаган Иккинчи қўшимча (факультатив) протоколи БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 15 декабрда 44/128 сонли Резолюция билан қабул қилинган бўлиб, у Пактга қатнашувчи барча давлатлар учун очиқдир. II Протокол ўлим жазосини бутунлай тақиқлашни кўзласада, айни пайтда, иштирок этувчи давлатларга уруш пайтида олий жазони қўллашга изн беради (2-модда). Бунинг учун давлатлар Протоколни имзолаётган пайтда ўзларининг иродасини очиқ баён қилиши керак бўлади. II Протокол ҳозирга қадар 54 та давлат томонидан тўла қабул қилинган. Улардан ташқари 8 та давлат мазкур ҳужжатни имзоласа-да, лекин ҳали уни ратификация қилмаган.

Шу билан бирга, қайд этиш лозимки, бу соҳада минтақавий халқаро норма ижодкорлиги янада илгарилаб кетган. Гарчи Ўзбекистон аъзо бўлмаса-да, аммо бу соҳада Европа ва Америка минтақаларининг ҳуқуқий тажрибасига мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир.

Минтақавий миқёсда, Европа Кенгаши томонидан 1950 йилнинг 4 ноябрида ишлаб чиқилган ва 1953 йилнинг 3 сентябридан кучга кирган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясининг 2-моддаси ҳар бир шахснинг ҳаётга бўлган ҳуқуқини тўла эътироф этади ва "мутлақо зарурият доирасида куч ишлатиш" натижаси сифатидаги қонуний ўлим жазосини инкор этмайди. Аммо, бу конвенция доимий равишда янги протоколлар билан тўлдирилиб борилди. Шу нуқтаи назардан, унинг қўшимча 6- ва 13-Протоколлари ўлим жазоси билан боғлиқ масалага янгича ёндашувни талаб қилади. Яъни, Европа конвенциясининг ўлим жазосини бекор қилишга оид 6-Протоколининг 2-моддаси "уруш даври ва уруш хавфи

[1] *Каримов И.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. - Т.: Ўзбекистон, 2005. 188-бет.

[2] *Юнусов Х.* Олий жазо ва инсон ҳуқуқлари. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2005. №3. 6-бет.

арафасидаги ҳолат"ни истисно қилган ҳолда тинчлик даврида олий жазони бекор қилишни назарда тутади. Конвенциянинг 13-Протоколи эса барча ҳолатларда ўлим жазосини бутунлай бекор қилишга ундайди.

Кўпроқ Сан Жосе пакти номи билан танилган "Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси" 1969 йилда Коста-Рикада қабул қилинган ва 1978 йил 18 июлдан кучга кирган бўлиб, ҳозирга қадар 24 та америка давлатлари томонидан ратификация қилинган[1]. Конвенциянинг 6 та банддан иборат 4-моддаси ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган. Конвенция аъзо давлатларга олий жазони бутунлай бекор қилиш мажбуриятини юкламайди ва фақат оғир жиноятлар учун уни сақлаб қолишга изн беради. Бироқ, айни пайтда, у бир марта бекор қилинган ўлим жазосини қайта тикламасликни, 18 ёшга тўлмаган ёшлар ва 70 ёшдан ошган кекса кишилар ҳамда ҳомиладор аёлларга нисбатан олий жазони қўлламасликни талаб этади. Америка қитъасида ўлим жазоси хусусида сўз борар экан, ўлим жазосини қонунчиликдан дунёдаги биринчи давлатлардан бўлиб 1865 йилда Венесуэла давлати чиқариб ташлаганлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги масала БМТ доирасида ўтган асрнинг 50- йилларидан бошлаб кенг миқёсда муҳокама қилина бошлаган ва бу борада жаҳон мамлакатларидаги аҳвол доимий равишда таҳлил этилиб келинган.

Бу борадаги биринчи жаҳон таҳлили (1956 - 1960 йиллар учун) М.Ансел томонидан, иккинчи таҳлил эса (1961 - 1965 йиллар учун) Н.Моррис томонидан амалга оширилган. Шундан сўнг, БМТ ҳар беш йилда ўлим жазосини қўллаш тенденциялари таҳлилини ишлаб чиқиш учун саволномалар тарқатиш амалиётини йўлга қўйди. 1988 йилда БМТнинг Саккизинчи Конгрессида Рожер Худ томонидан қилинган таҳлилда Н.Моррис маърузаси ўтган 25 йил муддат давомида, 25 давлатда ўлим жазоси умуман бекор қилинганлиги, 10 давлатда эса умумий жиноий қилмишларга нисбатан бекор қилинганлиги қайд этилган, улардан 4 таси ўлим жазосини де-факто бекор қилишди. Фақат иккитаси (Мозамбик ва Непал) да аввал бекор қилинган ўлим жазоси қайтадан тикланган.

Яна 13 мамлакат 10 йил ва ундан ортиқ муддат давомида ўлим жазосини амалга оширмаган ва уларни де-факто ўлим жазосини бекор қилган давлатлар сифатида эътироф этилади. Умуман, 1988 йилнинг охирига келиб, 35 мамлакатда ўлим жазоси бутунлай бекор қилинган, 18 мамлакатда умумий жиноий қилмишлар учун бекор қилинди ва 26 мамлакатда де-факто бекор қилинди. 101 мамлакатда эса жиноий жазо сифатида ўлим жазоси сақланиб қолди [2]. 1996 йилга келиб, ўлим жазоси 57 мамлакатда бекор қилинган, 15 давлат алоҳида турдаги жиноятлар бўйича ўлим жазосини чеклади, 27 та давлатда де-факто бекор қилинди ва 94 та давлатда эса, ўлим жазоси сақлаб қолинди[3].

Ҳозирги пайтда жаҳоннинг 80 давлатида олий жазо у ёки бу шаклда тақиқланган, 22 давлатда қонунда тақиқланмаган бўлса-да, кейинги 10 йил ичида ўлим жазоси амалда ижро этилмаган. 14 та давлат қонунчилигида уруш даври учун мазкур жазо ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Ҳаммаси бўлиб, дунёнинг 78 та давлатида олий жазо амал қилмоқда[4].

[1] *Юнусов Х.* Олий жазо ва инсон ҳуқуқлари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2005. №3. 12-бет.

[2] Международный обзор уголовной политики. 1990. №38. Смертная казнь. Анализ мировых тенденций. - ООН. Нью-Йорк. 1990. С. 5.

[3] Global Report on Crime and Justice. Graeme Newman ed. Published for the Union Nations. - N.Y.; Oxford. 1999. P. 109-111.

[4] *Юнусов Х.* Кўрсатилган мақола. Ўша жойда.

Аммо шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўлим жазосини сақлаб қолган давлатлар орасида АҚШ, Япония, Хитой каби йирик давлатлар бор.

1990-2003 йиллар ичида йилига ўртача 2,242 та ўлим жазосига ҳукм қайд этилган. Хитойнинг ўзида 1990-2001 йиллар орасида камида 20.000 та инсонга нисбатан мазкур жазо татбиқ этилган. Бунинг сабабларидан биттаси, Хитой миллий қонунчилигида баъзи молиявий жиноятлар ва гиёҳвандлик учун ҳам олий жазо белгиланганлигидир. Лекин шундай бўлса-да, Хитойда олий жазо 18 ёшга тўлмаганлар учун татбиқ этилмайди.

Афсуски, Эрон, Ироқ, Покистон, Саудия қироллиги, Яман, Бангладеш, Нигерия каби давлатларда ўсмирларга нисбатан ҳам ўлим жазоси ижро этилиб келинмоқда.

Шундай бўлса-да, аболиционист (abolition – бекор қилиш) ва ретеншист (retention – сақлаб қолиш) мамлакатлар сонининг ўсиш тенденцияси биринчи категориядаги мамлакатлар сонининг ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Австралия, Канада, Англия ва АҚШнинг баъзи штатлари, Нигерия ва бошқа мамлакатларда ўлим жазосини киритиш ёки уни бекор қилишнинг жиноятчилик тенденцияси билан боғлиқлигини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, ўлим жазосининг сақланиб қолиши жиноятчиликни камайишига олиб келади деб ҳисоблаш учун етарли далиллар йўқ[1]. Юқорида қайд этилган муаллиф Р.Худ ўзининг таҳлил хулосасида шундай дейди: "Асосий хулоса шундан иборатки, ушбу тадқиқотда жиноятчиликнинг олдини олишда ўлим жазосининг умрбод озодликдан маҳрум этишга нисбатан самарали эканлигини илмий жиҳатдан исботлаб бўлмади. Умуман, бундай исботни топиш эҳтимолининг ўзи ҳам жуда камдир.[2]

Шу ерда яна баъзи тадқиқотчиларнинг мустақил тадқиқотларига мурожаат қилсак. А.Ф.Кистяковский ўзининг 1867 йилги ўлим жазосини тадқиқ қилган магистрлик ишида ёзадики, жиноят ҳуқуқидаги хеч бир масала ўлим жазоси каби машҳурликка эга эмас[3]. Адабиётлар жуда кўп бўлиб, бу мавзуда адабиётлар сони 1838 йилга келиб 232 тага етган ва бугунги кунга келиб уларнинг сони минглаб саналади[4]. Асосий ишлар публицистик, сиёсий, фалсафий, диний характер касб этади. Кўплаб илмий тадқиқотчилар юристлар, криминологлар, криминалистлар, жиноий ҳуқуқ мутахассислари ҳисобланади[5]. Муаллифларнинг мутлақ кўпчилиги ўлим жазосига қаршидир. Баъзилари эса, уни чекланган тарзда ёки истисно тариқасида жуда кам қўллаш мумкин дейдилар. Бу соҳа билан шуғулланган тадқиқотчиларнинг ишлари билан танишиш натижасида мазкур муаммо кўпроқ илмий бўлиб қолмасдан, балки ахлоқий ва сиёсий тус касб этиши тўғрисидаги хулоса келиб чиқади[6].

Ўлим жазосини тайинлашда йўл қўйиладиган хатолар тузатиб бўлмайдиган чора саналади. Айрим мамлакатларнинг суд амалиётидаги бундай хатолар ҳақида маълумотлар мавжуд. Америкалик муаллифлар Х.Бедай ва М.Рейдлет томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, АҚШ судлари томонидан 349 нафар шахс устидан чиқарилган ўлим ҳукми хато бўлган ва улардан 23 тасига нисбатан бу ҳукм ижро этилган.

Европа Уйғониш даврининг машҳур ҳуқуқшуноси Ч.Беккариа «Жиноятлар ва

[1] *Лунеев В.В.* Преступность XX века: мировые, региональные и российские тенденции. - М.: Волтерс Клувер, 2005. С. 106.

[2] Қаранг: Международный обзор уголовной политики. 1990. №38. Смертная казнь. Анализ мировых тенденций. С. 84.

[3] *Кистяковский А.Ф.* Исследование о смертной казни. Тула, 2000. С.6.

[4] *Лунеев В.В.* Указ. раб. С.107.

[5] Қаранг: Смертная казнь: за и против. М., 1989.

[6] Ўша жойда.

жазолар ҳақида» асарида (1764) шундай ёзади: "Ўлим жазоси фойдасиз, чунки у инсонларни қаҳри қаттиқ бўлишга олиб келади". Унинг фикрича, ўлим жазоси жиноятнинг олдини олиш вазифасини бажармайди, бундай жазони қўллаш учун инсонларга ҳеч қандай қонуний ҳуқуқ берилмаган, ҳар қандай ҳолатда ҳам бу жазога адолатсизлик деб қаралиши лозим. Ўз даврининг илғор маърифатчиси бўлган бу мутафаккир жазонинг мақсади айбдорнинг яна жамиятга зарар етказмаслиги ва бошқаларнинг ҳам зиён етказишидан сақлашдан иборат бўлиши лозим, деган фикрни илгари сурган. Ч.Беккариа ва Ш.Монтескьенинг шунга ўхшаш илғор ҳуқуқий қарашлари кейинчалик Францияда «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисида» Декларациянинг (1789й.) ва дунёдаги биринчи Жиноят кодексининг (1791й.) қабул қилинишига асос бўлиб хизмат қилган[1].

Ҳозирги замон рус олимларидан В.Квашиснинг таъкидлашича, умумий превенция нуқтаи назаридан ўлим жазоси институтининг криминологик аҳамияти йўқ. "XX аср бошларидаёқ криминологик фан ўлим жазосини қўллаш" самара бермаслигини ишонарли тарзда исботловчи жуда катта эмпирик маълумотлар тўплаган эди" деб асослайди В.Квашин ва қуйидаги мисоллар унинг фикрлари нечоғли асосли эканлигини шак-шубҳасиз яққол исботлайди (зеро, ўрта асрларда ўлим жазоси жиноятчиликка қарши курашда аслий жазо тариқасида қўлланилгани тарихдан маълум): Германияда Карл V даврида 100 минг нафар, Англияда Генрих VII томонидан 70 минг нафар, Нидерландияда Филипп II томонидан 12,8 минг нафар кишига ўлим жазоси белгиланган. Россия тарихида Иван Грозний деб ном олган Иван IV даврида қабул қилинган «Суд ҳужжати»да 60 турдаги жиноятларга ўлим жазоси кўзда тутилган[2]. Аммо, тарихдан биз яхши биламизки, бундай ҳаракатлар жиноятчиликнинг камайишига олиб келмаган, балки у ўсиб борган.

Шарқнинг машҳур фиқҳшуноси Бурҳониддин Марғиноний ўзининг "Ҳидоя" асарида жазога шундай таъриф беради: «Жазонинг мақсади - жиноят содир этмаслик учун қўрқитиш..., таъзир жазоси - инсонни тузатиш демакдир»[3].

Шу нуқтаи-назардан қарасак, ўлим жазоси мавжуд бўлса ҳам оғир жиноят қилишдан инсонлар қўрқмаяпти, ўлим жазосига маҳкум қилинган ва жазони ижро этиб бўлгандан сўнг эса, ўлган одамни тузатиб бўлмайди.

Инсоннинг яшашга бўлган ҳуқуқи барча халқаро ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар, касбий уюшмалар ва инсонпарварлик ҳаракатлари томонидан олқишланади. Қолаверса, ҳозирги халқаро алоқалар тизимидан мустаҳкам жой олган нуфузли халқаро ташкилотлар барча исталган давлатлар учун ташкилотга аъзолик эшикларини очар экан, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, жумладан, олий жазодан воз кечишни аъзолик шарти этиб белгилайди.

Европа Кенгаши ташкилотига аъзоликнинг битта шарти ўлим жазосини бекор қилиш бўлса-да, бироқ ташкилот ўз аъзоларидан уни дарҳол тўхтатишни талаб қилмайди. Яъни, аъзо бўлиб кираётган давлат маълум муддатга уни сақлаб қолиши ва шундан сўнг бекор қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур оралиқ давр мораториум (латинча *moratu* - кечиктириш) деб аталади ва ҳозирда Россия 2001 йилдан шундай даврни бошидан кечирмоқда. Шундай қилиб, олий жазо Европада фақат бир давлат – Европа Кенгашига аъзо бўлмаган Белоруссияда сақланиб қолди.

Ундан фарқли ўлароқ, Европа Иттифоқининг аъзолик талаблари аниқ ва қатъийдир. Аъзо давлатлар ва аъзоликка даъвогар давлатлар маълум бир давр ичида олий жазодан воз кечишлари шарт.

Европа Иттифоқига аъзо бўлишга интилаётган Туркия мисолида шуни айтиш мумкинки, олий жазо мамлакат жиноят ва жазо кодексидан 2002 йил августда олиб ташланган бўлса-да, лекин уруш даври учун олий жазо ўз кучини сақлаб қолган эди. 2003 йил 12 ноябрда Туркия Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 6-Протоколини ратификация қилди. 2004 йил январда эса олий жазони бутунлай тақиқловчи 13-Протоколни имзолади. Шу тариқа, Туркия Европа Иттифоқига аъзоликнинг яна бир сиёсий шартини бажариб бўлди.

Шунингдек, 2003 йилда дунёнинг 28 та давлатида 1,146 та ўлим жазоси ижро этилган. Уларнинг қарийб 88 фоизи 5 та давлат ҳисобига тўғри келади. Чунончи, Хитойда 726 та, Эронда 108 та, Қўшма Штатларда 65 та, Вьетнамда 64 та, Саудия Арабистонида эса – 52 та одамкушлик содир этилган.

Европа давлатларининг деярли барчасида олий жазо ман этилган. Бу албатта, ҳам Европа Кенгаши, ҳам Европа Иттифоқи ташкилоти доирасида қабул қилинган ҳужжатлар асосида такомиллашиб келаётган инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг катта ютуғидир. Эслатиб ўтиш жоизки, ўлим жазоси биринчи марта Португалияда 1867 йилдан бошлаб расман бекор қилинган эди. Тинчлик даврида олий жазони бекор қилишга қаратилган қонунлар Швейцарияда 1937 йилда (референдум орқали), Нидерландияда 1870 йилда қабул қилинганди. Швейцарияда 1999 йилда, Данияда 1983 йилда олий жазони конституциявий мақомда тақиқлашга муваффақ бўлинди.

Ўлим жазоси хусусида фикр билдирилганда, бу масалага АҚШ давлатининг ёндашувини мисол қилиб келтириш қизиқдир. Чунки, ўлим жазосини бекор қилиш инсонпарварлик, демократизм принципларининг марказида туради. Ваҳоланки, АҚШ давлати дунёда инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси, энг демократик, инсонпарвар жамият мақомига даъвогарлик қилгани ҳолда, бу ерда мазкур соҳада жиддий муаммолар мавжудлиги фактини рад этиб бўлмайди. АҚШ Адлия департаментининг Статистик Бюроси маълумотларига қараганда, 1973-2002 йиллар оралиғида суд маҳкамалари томонидан 7254 та ўлим ҳукми чиқарилган ва уларнинг 820 таси ижро этилган. Шунингдек, 268 та маҳбус турли сабабларга кўра камоқхоналарда вафот қилган, 3557 таси жазо ижросини кутмоқда[1]. Ҳозирги пайтда 38 та штатда ўлим жазоси амал қилиб келмоқда. Штатларга ўлим жазоси татбиқ этилиши мумкин бўлган соҳаларни белгилашда етарлича эркинлик берилган. Федерал жиноий қонунчиликда эса АҚШ жиноий просессуал кодекси 41 турдаги жиноят учун ўлим жазосини жорий этади. Бундан ташқари, АҚШ ҳарбий қонунчилигида ўз навбатида 15 та ҳолат учун ўлим жазоси белгиланган. Уларнинг айримлари, масалан, ҳарбий хизматдан қочиш учун олий жазо фақат уруш даврида қўлланилиши мумкин[2]. Вояга етмаган ўсмирларга нисбатан ўлим жазосини қўллаш ҳам америкаликларни ва, қолаверса, бутун дунё ҳамжамиятини хавотирга солиб келаётган муаммолардан биридир. АҚШда вояга етмаганларга нисбатан, 1642 йилдан бошлаб 364 та ўлим жазоси ижро этилган бўлса, шундан 22 таси 1976 йилдан кейинги даврга тўғри келади[3].

Кўплаб инсонпарварлик ташкилотлари ва кенг жамоатчилик таъсири остида АҚШ Олий суди 2005 йил 1 мартда вояга етмаган (18 ёшга тўлмаган) ёшларга нисбатан олий жазони бекор қилишга оид қарор чиқаришга мажбур бўлди. Шу тариқа, 18 ёшга тўлмаган

[1] *Ўсаров О.* Ўлим жазоси: кеча ва бугун // Ҳаёт ва қонун. 2005. №4. 7-бет.

[2] *Ўсаров О.* Ўлим жазоси: кеча ва бугун // Ҳаёт ва қонун. 2005. №4. 7-бет.

[3] Ўша жойда.

[1] *Юнусов Х.* Олий жазо ва инсон ҳуқуқлари. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2005. №3, 9-бет.

[2] Ўша жойда.

[3] Ўша жойда. 10-бет.

ёшлар учун ўлим жазоси ижро этиладиган давлатлар сони биттага камайди ва бугунги кунда уларнинг сони 7 тани ташкил этмоқда (Эрон, Ироқ, Покистон, Саудия қироллиги, Яман, Бангладеш ва Нигерияда ўлим жазоси ҳамон сақланиб қолмоқда).

Бу мисоллар АҚШ ва бошқа мамлакатларда инсоннинг олий ҳуқуқи ҳисобланган яшаш ҳуқуқининг қай даражада кафолатланганлигини кўрсатмоқда. Шу ўринда савол туғилади: хўш, нима учун илғор давлатларда, ҳатто ўзини «демократия таянчи» деб атайдиган мамлакатларда жиноий жазонинг ўлим жазосидек «нодемократик» усуллари қўлланилмоқда? Нега АҚШ жиноятчини ҳаётдан маҳрум қилишда баъзи бир тараққий этмаган давлатлар билан бир даражада? АҚШда ўлим жазосининг заҳарни инъекция орқали организмга юбориш, электр стулидан, газ камерасидан фойдаланиш, осиш ва отиш йўли билан ижро этиш турлари ҳам сақланиб қолмоқдаки, бу халқаро андозаларда мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол, деб эътироф этилади[1].

Ҳозирги кунда дунёнинг 72 давлатида ўлим жазоси қўлланиладиган ёш – 18, Болгария, Венгрия, Кубада – 20 ёш, Грецияда – 21, Парагвайда 22 ёш деб белгиланган. Зимбабве, Барбадосда – 16 ёш, АҚШнинг 15 штатида (2005 йил мартигача) ўртача 12-17 ёш деб кўрсатилган. АҚШнинг айрим штатларида, Жанубий Корея, Бирма, Судан, Ҳиндистон, Эрон, Малайзия каби давлатларда эса субъект ёши кўрсатилмаган. Жанубий Корея, Туркия, БАА, Индонезия, Ливан, Яман, Иордания, Монголия, Гватемала ва бошқа бир қатор давлатларда ўлим жазоси аёлларга нисбатан ҳам қўлланилиши назарда тутилган. АҚШнинг 12 штатида руҳий касалларга ҳам ўлим жазоси тайинланиши мумкин. Лесото, Қувайт, Марокко, Қатар, Сурия, Мадагаскар, Чад, Чехия давлатларида ўлим жазосининг руҳий касалларга нисбатан қўлланилишини тақиқлайдиган меъёрлар йўқ[2].

Ўлим жазоси пировард – натижада бирор-бир ижтимоий муаммони ҳал қилиб бермайди, аксинча, уларни янада мураккаблаштиради. Зеро, *биринчидан*, ўлим жазоси муаммоси жамият ва давлат ҳимоясидаги қадриятларга доир масалага дахл қилади. Шу жиҳатдан ҳам, ўлим жазосининг бекор қилиниши инсонпарварлик йўлидаги ижтимоий тарбия вазифасини бажаришини инкор этиб бўлмайди.

Иккинчидан, энг мудҳиш жиноятни содир этган жиноятчи фақат ўлим жазосига ҳукм этилсагина ҳақиқат қарор топади, деган қараш мутлақо адолатсиз фикр. Бу жоҳиллик замонларидаги каби «қонга – қон, жонга – жон», деган қасоскорликдан ўзга нарса эмас. Давлат бундай принципни қурол қилиб ололмайди. Давлатнинг қуроли – ҳуқуқ. Қилмишни содир этган кишини ҳимояга олиб, давлат қотилни ҳимоя қилаётган бўлмайди, балки энг азиз нарсани – инсоннинг ҳаёти, яъни унинг яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилган бўлади.

Учинчидан, ўлим жазосини бекор қилишда, суд хатоси таҳдидининг мавжудлиги ҳам инобатга олинади. Масалан, кейинги 20 йил ичида АҚШнинг 24 штатида ўлимга ҳукм этилган юздан ортиқ киши, янги далиллар билан гуноҳсизлиги исботлангач, озод этилган. Суд хатоси туфайли ўлимга ҳукм этилган ёки ноҳақ ҳукм ижросини кутиб узоқ йиллар қамоқхонада азоб чеккан кишилар кўп бўлган.

Тўртинчидан, ўлим жазоси бекор қилинган бирор-бир мамлакат тажрибасида бундай қарор салбий оқибатларга олиб келганини тадқиқотчилар қайд этишмаган. Масалан, Канадада 1975 йили (яъни ўлим жазоси бекор қилинишидан бир йил олдин) қотиллик ҳолати ҳар юз минг кишига 3,09 тадан тўғри келган бўлса, 1980 йилга келиб бу кўрсаткич 2,41 тагача тушган. Кейинги 10 йил ичида Эронда 5 минг киши наркотиклар савдоси учун ўлим жазосига тортилган. Қамоқ аҳолисининг 60 % дан кўпи, яъни 90 минг нафардан ортиқ одам наркожиноятлар учун қамоқхона панжаралари ортида ўтирибди. Аммо, наркоманлар сони ўсмоқда, дейилади Британияда чоп этиладиган Economist журналининг «Наркотиклар ва тушкунлик» мақоласида[1]. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳуқуқий муаммони ҳал этишда ўлим жазоси яроқсиз чорадир.

Бешинчидан, ўлим жазосига лойиқ топиладиган аксарият жиноятлар кишининг ўз ҳаракатларини идора эта олмайдиган ҳолатда амалга оширилишини ҳам эдда тутиш лозим. Бундай ҳолатда жиноят содир этган одам ўлим жазосини ўйлаб кўрқувга тушиши мумкинлиги ақлга сиғмайди. Демак, ўлим жазоси мавжудлигининг жиноятчига таъсири бўлиши ҳақида фикр асоссиздир.

Олтинчидан, инсонни умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилиб азобга қўйгунча, уни ўлим жазосига ҳукм этиш маъқул эмасми, деган фикрлар мавжуд. Шундай фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, айтиш жоизки, умрбод қамоқ жазоси ўлим жазосига юкланадиган функцияларни бажаради. Бироқ бу жазо юқорида қайд этилган камчиликларнинг аксариятидан холи ва унда бир муҳим имконият мужассам, яъни умрбод ёки узоқ муддатли қамоқ жазосида одам тирик қолади, унинг яшаш ҳуқуқи сақланади.

Еттинчидан, баъзилар дунёнинг айрим давлатларида, хусусан, АҚШ ва Японияда ўлим жазосининг бекор қилинмаганлигини рўкач қилишади. Ҳақиқатан ҳам, АҚШда ўлим жазоси жиноий жазо сифатида кенг қўлланилади. Айни пайтда АҚШ қонунчилигида жиддий муаммолар, масалан, болаларга, ақли заифларга нисбатан ўлим жазосини қўллаш билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжудки, бу жиҳатлар танқидий таҳлилга тортилиши лозим[2].

Ўлим жазосини бекор қилишга оид универсал ва минтақавий нормалар ва механизмларнинг ривожланиш тенденцияси шуни кўрсатмоқдаки, халқаро ҳамжамият ўлим жазосини жазо тизимидан чиқариб ташлаш йўналишида кетмоқда ва давлатларни ўз миллий қонунчилиги ҳамда амалиётида ундан воз кечишга ундамоқда.

Бу борада халқаро ҳуқуқий нормалар такомиллаштириб борилмоқда ва халқаро миқёсда унга ижодий ёндашилмоқда.

Ўлим жазосини бекор қилишга кўпроқ минтақавий миқёсда муваффақиятга эришилмоқда. Шу билан бирга, минтақавий миқёсда Европа ва Америка минтақаларидаги самарадорликни эътироф этган ҳолда, Африка, Осиё каби минтақаларда бу борада ижобий силжишларга эришилмаганлиги ва бу минтақаларда фақатгина алоҳида мамлакатлардагина ижобий қадамлар қўйилаётганлигини қайд этиш лозим.

Мустақилликдан сўнг миллий ҳуқуқий тизимни тўла ва мукаммал шакллантириш сиёсати босқичма-босқич ва илмий-назарий асослантирилган ҳолда олиб борилмоқда. Мазкур хусусият ҳукуматимизнинг ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда жиноий жазоларни ва умуман жазолашни янада инсонпарварлаштириш соҳасидаги сиёсатига ҳам тааллуқлидир.

Республикамизда олий жазога нисбатан муносабат кейинги 15 йил ичида тубдан ўзгарди. Маълумки, собиқ тоталитар тузум даврида Ўзбекистон ССР Жиноят кодексида 33 та жиноят учун олий жазо белгиланган эди. 2003 йил

[1] *Зокирова О.* Мақсад ва моҳият // Ҳаёт ва қонун. 2005. №4. 9-бет.

[2] *Сафаров А.* Ўлим жазоси // Ҳаёт ва қонун. 2005. №2. 20-бет.

[1] Смертная казнь - фундамент режима. http://www.zeka.ru/death_penalty/articles/iran1/

[2] *Хакимов М.* Яшаш ҳуқуқи // Ҳаёт ва қонун. 2005. №5-6. 4-бет.

декабрга келиб, фақат икки жиноят: жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун олий жазо қолдирилганлиги ҳаммага маълум.

Юқорида эслатилган инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон этувчи ва мустаҳкамловчи умумбашарий ва минтақавий миқёсдаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларидан келиб чиқиб ҳамда мамлакатимиздаги ўзига хос криминоген вазиятни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони инсоннинг яшашга бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган ҳал қилувчи қадам бўлди.

Мазкур Фармон Конституциямизнинг 24-моддасида таъкидланган инсоннинг яшаш ҳуқуқини ҳаётга бевосита татбиқ этиш учун амалий замин ҳозирлайди.

Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармонни мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим тарихий воқеа сифатида ҳамда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг узвий таркибий қисми ва муҳим босқичи сифатида Ўзбекистонда шакллантирилаётган фуқаролик жамияти сари қўйилган дадил қадам дея баҳолаш мумкин.

Ўлим жазосини бекор қилишни 2008 йил 1 январдан деб белгиланишига етарли асослар мавжуд. Чунки бу муддат ичида қуйидаги йўналишлардаги масалаларни ҳал қилиш лозим бўлади.

